

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тўст

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 78—79.
(2498—2499).

1992 йил
19 АВГУСТ
ЧОРШАНБА
НАРХИ 4 СЎМ.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ.

Осойишта ўтган кеча.

3-БЕТ.

Граната жанговар экан.

4-БЕТ.

Бухорода ҳаммаёқ тинч-ми?

5-БЕТ.

Қўйнингизда қанча тош қолди?


6-БЕТ.

Ғайбунисо билан Хилватий кўча муволишидаги кўк эшик-

ни тақиллатишди. Салдан сўнг инқиллаб-синқиллаб оstonада кампир кўринди.

7-БЕТ.

«Тандирдан чиққан» янги мақоллар.



ЧОРШАНБАДАН-ЧОРШАНБАГАЧА

АВВАЛ УЛФАТ, КЕИН КУЛФАТ

8 августдан 9 августга ўтар кечаси Қарши районидagi «Аврора» кўрғонига яшовчи Комил Шамшиев ўз уйида ўртоғи Павел Усов билан улфатчилик қилди. Аввалига улар жиндай отишиб, сўнгра арзимас нарсадан тортишиб қолишди. Тортишув можарога айланди. Ширакайф Павел меҳмонлигини унутиб, К. Шамшиевнинг қорнига икки марта пичоқ урди. Икки дўстнинг улфатчилиги кулфатга айланди. Оғир тан жароҳати олган К. Шамшиев шифохонага ётқизилди.

ТУЗОҚҚА ИЛИНДИ

Нафс балоси Боймирзада қўлини совуқ сувга урмай бой бўлиш ҳавасини туғдирди. У қаттиқ таъқиқланган наркотик ўсимлигини ҳовлисида ўстириб, катта миқдорда фойда кўрмоқчи бўлди. Шу зорманданинг «атиги» 98 тупини ҳовлисига экиб, парварिश қилаётганда Косон райони ички ишлар бўлими ходимлари унинг ширин орзуларини тарқатиб юборишди. Районнинг «Бошлешевик» давлат хўжалигида хат ташувчи бўлиб ишлайдиган Б. Ғаниев устидан текширув олиб борилмоқда.

Фойда ўрнига жарима

Фуқаро Эргаш Аннаев 80 шиша ароқни Қозоғистон Республикасига жўнатаётганда, Муборак темир йўл бекатида ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Фойдахўр фойда ўрнига 200 сўм жарима тўлади, ароқнинг ҳаммаси давлат ҳисобига мусодара қилинди.

ПОДШОҲ ЎҒРИ БУЛСА...

Мурод Рустамов Ульянов районидagi 20-давлат хўжалигида ғаллачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлайди. У шу йилнинг 18 август кўни хўжалик энин майдонидан ғайриқонуний равишда 6 минг 830 килограмм буғдой ва 3 минг 980 килограмм арпани уйига ташиб келганда ушланди. Район ички ишлар бўлимида текширув ишлари олиб борилмоқда. Шунга айтсалар керакда, подшоҳ ўғри бўлса, мен нетай деб...

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИВ...

Шаҳрисабз районидagi Киров номли давлат хўжалигида яшовчи Момогул Боббёрова турмуш ўртоғи Н. Пўлатов билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, ўзини каналга ташлади. Тезоқар сув Момогулни қора домга тортди. Бургага аччиқ қилган жувон арзимас можаронинг қурбони бўлди.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

Шаҳрисабз шаҳар Ленин кўчасида жойлашган 5-аралаш моллар дўконига ўт тушди. Ёнғиндан етказилган моддий зарар 40 минг сўмни ташкил қилди. Шаҳар ички ишлар бўлими томонидан бу фалокат сабаблари аниқланмоқда.

КОСАДАГИ ОҒУ

Усмон Юсупов районидagi Жинов пахта тозалаш заводига қарашли «Пахтаой» болалар боғчасида 3 нафар бола ва 2 нафар хизматчи овқатдан заҳарланиб, мапказий шифохонага тушди. Косадаги оғу сирини район прокуратураси ходимлари ўрганишмоқда.

УРОЗ ҲАЙДАРОВ,

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот шўъбаси катта назоратчиси, ички хизмат катта лейтенанти.

Ҳа, топдингиз. Давлат автомобил назоратининг «Уч қаҳрамон» пости Тошкентимизнинг шу ерида жойлашган. Бундан бир неча йил муқаддам хизмат бурчини ўтаётиб, ваҳшийлар қўлида ҳалок бўлган милиция ходимларининг мардиклари хотиралар ардоғида. Уларнинг ишларини эса ҳамкасблари сидқидилдан давом эттирмоқдалар.

Суратни Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган.

ОҒУ

ЎТКАЗИЛМАДИ

Деҳқонобод райони ички ишлар бўлими давлат автомобил назорати постида одатдагидек иш жараёни давом этмоқда. Кечаси соат 01лар атрофида милиция катта сержанти Муродулла Тўлаев Сурхондарё томондан келаётган «Москвич-412» белгили уловни тўхтатди. Ҳайдовчининг ҳамма ҳужжатлари жойида эди, лекин орқа ўриндиқда ўтирган йўловчининг бежо боқишлари ва ҳаракатлари назоратчиларда шубҳа уйғотди.

Унинг жомадони текширилганда, аллақандай бадбўй ҳид сирини фош қилиб қўйди. Милиция ходимлари 923 грамм марихуана ва 870 грамм кўкнори талқонини олиб ҳужжатлаштиришди.

Бу оғуларни ширин хаёллар билан олиб кетаётган бухоролик Р. Шарипов экан.

Яқинда у Деҳқонобод райони халқ судининг ҳукми билан бир йрим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Карим АБДУНАВАРОВ.

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАЯПТИ

Республикамиз аҳолиси днёримиз мустақиллигининг бир йиллигини байрам қилишига 12 кун қолди. Катта ва кичик шаҳарларда, аҳоли яшайдиган барча масканларда, қишлоқ ва маҳаллаларда бунга тайёргарлик кўрилмақда.

Бўлажак тадбирлар режаларида тантанали йиғилишлар, таниқли санъаткорлар ва бадний ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, оммавий сайиллар ўтказилиши кўзда тутилмоқда... Хуллас, байрамга тайёргарлик кўриш ишлари жўшқин бормоқда ва у, шубҳасиз республикамиз ҳаётидаги энг фарахбахш кунлардан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунини байрам қилиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш борасида умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш пайтида жамоат тартибини муҳофаза қилиш учун муайян ишлар қилинмоқда. Ички ишлар вазирлиги ва унинг бўлималари вилоят ва район ҳокимлари билан келишилган ҳолда бу даврда жамоат тартибини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ёнғинларнинг олдини олишни таъминловчи махсус режалар ишлаб чиқдилар.

Патрул-пост хизмати ходимлари назорат қиладиган жойлар, шунингдек ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи жамоат пунктлари иш тартиби қайта кўриб чиқилди. Патруллик қилиш маршрутлари фуқароларнинг йиғинлари, митинглари ва бошқа хил чиқишлар ўтказилиши энг кўп эҳтимолда тутилган жойларга яқинлаштирилди. Безорилар ва бошқа салбий кайфиятда бўлган шахслар томонидан қонунбузарлик қилинишига йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўрилмақда.

Бу хизмат жонқуярлари ҳамма ерда ҳаромхўрлар ва кўча-кўйда ҳамда бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган шахсларни аниқламоқдалар. Июнь ва июль ойларида ўтказилган «Қармоқ» тадбири натижасида дайдиликда гумон қилинган 2311 кишини ушладилар, кейинчалик уларнинг 261 нафари қидирувда эканлиги маълум бўлди. 13 мингдан ортиқ ашаддий ароқхўр ҳушёрхоналарга келтирилди.

Кўча-кўйда ва бошқа жамоат жойларида жаст ҳолда жиноят қилиш миқдорининг камайганлиги бугунги кунда олиб борилаятган ишнинг асосий натижасидир. Мустақиллик кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш давомида паспорт режимини бузувчиларни аниқлаш мақсадида меҳмонхоналар, санаторийлар, кемпинглар, талабалар ва бошқа тоифадаги кишилар ётоқхоналари, шаҳарлар, йирик аҳоли масканлари, вилоят ва район марказларидаги турар-жойлар текшириб чиқилди. Ўтган икки ой давомида ушбу режимни бузган, шунингдек пропускасиз яшаган ҳамда ҳақиқий бўлмаган паспортлар билан истиқомат қилиб келган 30 минг 300 киши аниқланди.

Тошкент ва бошқа аҳоли пунктларида ҳамюртларимизнинг экологик касалликларга чалинмасликлари учун мунтазам тадбирлар олиб борилмоқда. Ўйда тайёрланган овқатлар, гўшт, балиқ ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларни тегишли рухсатномаларсиз сотишнинг олди олинмоқда. Бозорлардаги дўконлар ва одамлар кўп тўпланадиган жойларга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда юртимиз ҳудудида милициянинг 29 та карантин-қўриқлаш постлари ишлаб турибди. Санитария-карантин нормалари қўпол равишда бузилганлиги учун мингдан ортиқ баённомалар тузилди, 987 кишига турли миқдорда жарима солинди.

Байрам кунлари ҳаммаёқ озода, батартиб ва кўркам бўлиши керак. Хуллас, умумхалқ байрамга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш юзасидан тузилган режаларни бажариш ишлари давом этмоқда.

М. СУЛАНМОНОВ.

ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти Урганч шаҳри, Богот ва Гурлан районлари меҳнаткашлари билан очиқ мулоқот ўтказиб, кенг жамоатчилик олдида ҳисобот берди.

Мулоқотда жиноятчи ва халқ мулкига кўз олайтираётганлар ва бошқа шахсларга нисбатан қаттиқ чора-тадбирлар кўриш, худди шунингдек маҳаллаларда ёшлар ҳамда вояга етмаганлар ўртасидаги тарбиявий ишларни кучайтириш ҳақида гап борди.

Маълумки, ҳозир давр ўзгарди. Эндиликда республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун эскичасига иш юритиш ҳеч қандай наф бермайди. Янгича иш юритиш усул ва услублари эса ана шундай баҳс-мунозара-

лар замирида юзага келади. — Кейнашли тўй тарқамас, деганлар, — дейди бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Тўра Холматов. — Шундай қилишимиз керакки, халқимиз бизга ишонсин, керак маҳалда суяниб, лозим бўлганда амалий ёрдам кўрсатсин. Бунинг учун эса у билан тобора яқинлашишимиз талаб этилади.

Тузилган режага кўра юқоридаги каби учрашувлар Урганчдаги ёғ-мой заводига, тикувчилик фабрикасида, Хива ғйлам комбинатида, Хонқа дон маҳсулотлари корхонасида, Хазорасп районидаги 96-автокорхонада ҳамда Қўшқўпир районидagi селикат гишт заводига ўтказилади.

О. ЮСУПОВ.

Сиз кутан, кутмаган хабарлар

ЖАРИМАЧИЛАР

Урганч райони гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати ходимларининг иш вақти тугаб, бирин-кетин чиқиш дарвозасидан ўтишмоқда. Бир оздан сўнг уларнинг сони яна ҳам кўпайиб, галаговур бошланиб кетди.

Шу пайт кўзлари ола-кула бўлиб, шоша-пиша Ойбек Одамбоев ҳам дарвоза томон яқинлашди. Унинг бу ҳаракатлари район ИИБ қошидаги соқчилик бўлимининг бошлиғи, милиция капитани Бахтиёр Раҳимовни сезгирликка чақирди. Ойбек 3 килограмм гўштни ўғринча олиб чиқаётган экан. Бу ҳуқуқбузарлик учун О. Одамбоев халқ суди томонидан 70 сўм жарима ва огоҳлантириш билан «сийлаб» қўйилди.

Район нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасида қўриқлаш бўлими томонидан режалаштирилган рейд ўтказилди. Районнинг агросаноат қурилиши корхонаси ҳайдовчиси Давлат Бекжонов рухсатсиз ёнилғи олиб чиқаётганида, марказлашган қўриқлаш пункти бошлиғи, милиция капитани Шўҳрат Отажонов томонидан қўлга туширилди. Бу ҳуқуқбузар давлатга келтирган зарари учун жарима тўлашга мажбур бўлди.

Урганчдаги пиво заводи ишчиси Йўлдош Шарипов «маза» қилиб пиво ичиш мақсадида дарвозадан чиқаётганида, соқчилик бўлими катта инспектори милиция катта лейтенанти Олланазар Абдуллаев чақириб қолди.

...Йўлдош кийимлари ичига беркитган ичимлиги билан нохуш аҳволга тушди. Давлат маҳсулотини ўғирлагани учун жарима тўлашдек муаммага дуч келганини, уйига келиб «маза» қилиб ўйлаб кўрди.

Саъдулло БОБОВ.

ТУТҚУНЛИКДА ЯРИМ АСР

Виктор Кукушкин илк марта ўн олти ёшида судланганда. Ўшанда беш йилга кесилган, аммо жазо ўташ жойидан қочиб, анча аҳволни оғирлаштирганиди.

Кейин-яна жиноят қилди. Челябинск вилояти Коркино шаҳар суди ўн йилга кесиб юборди. Аммо буларнинг ҳеч бири унинг ҳаёт тарзини яхши томонга ўзгартирмади. Ўн йиллик жазо муддати ўтгач, тагин эгрилик қилиб уч йилга қамалди. Сўнгра бир йил, уч йил... Хуллас тўққиз марта судланган Викторнинг темир панжара ортида ўтказган ҳаёти 40 йилдан ошди.

Хавфли рецидивист деб тан олинган Виктор мактабга қоровул бўлиб жойлашди.

Кунлардан бир кун қаҳрамонимиз ўзига ўхшаган икки улфатга қўшилиб, мириқиб ичишди. Кайф бўлиб қолгач, Рафаэл ияковлон Анатолийни калтаклай бошлади. Анатолий гурзидай муштлар зарбидан ўша жойдаёқ ҳаётдан кўз юмди.

Ленин (Миробод) район халқ суди жиноий ишни кўриб чиқиб, Викторни 12, Рафаэлни 8 йилга озодликдан маҳрум этди.

НОМУССИЗ ЙЎЛОВЧИЛАР

«Тошкент-Москва» поезди жўнаш олдиди. Йўловчилар ўз ўринларини эгаллаш билан овора. Давлат назорати ходимлари милиция лейтенанти К. Усмонов, милиция старшиналари Р. Сирожиiddинов, М. Ҳасанбоевлар шубҳали юкларни кўздан кечиринмоқда. Ходимларни кўрган Айваз Эдил ўғлининг негадир тинчи бузилди. Ўзини қўйишга жой тополмаёт-

ЕНҒИНДАН САҚЛАНИНГ!

Гуздор шахрида яна бир қиз куйиш натижасида ҳалок бўлди. Йўқ, у ўзини ёқмади, фожеа эҳтиётсизлик оқибатида рўй берди. У газ ўчоққа чой қўйиб, газни очиб, ёқишни унутиб кетиб қолди. Қайтиб келиб ёққанда эса... устидаги сунъий матодан тикилган кўйлаги ёниб кетди.

Шунга ўхшаш воқеа Ўта-

ри қишлоғида ҳам бўлиб ўтди. Аёл қозоннинг остига ўт ёқаётиб, тезроқ ёнсин учун солярка сепаци. У кийимига ҳам тўкилган экан, ўтинга қўшилиб ўзи ҳам ёниб кетди ва бир неча кундан сўнг касалхонада оламдан ўтди.

А. МАҲМУДОВ,
Гуздор райони.

ДУОНИНГ КУЧИ

Сотиболди узоқ йиллардан буён қишлоғидаги мактабда қоровуллик қилади. Еши 56 да. Қоровулчилик бош оғритадиган иш эмас. Шу сабаб ётвольиб «қаердан пул топсам экан» деб ўйлагани-ўйлаган.

Уша кунни ўқитувчиларга тарқатиладиган маошнинг темир сандиқда эканлиги эсига тушди. «Бугундан кеч қолсам пуллардан айрилиб қоламан», деган хаёлда Сотиболди дўсти Раҳматилланикига йўл олди. Раҳматилланинг ҳам кўнгли анчадан бери ҳаром пулларни тусаб юраркан, дарров кўнгли. Бироқ темир сандиқ икки кишига оғирлик қилишини айтиб, ошмаси Расулни ҳам ёрдамга чақирини маслаҳат берди.

Учовлон мактабга келишди. Сотиболди шу мактабнинг қоровули эмасми, калитни чиқариб, тўғри директор хонасига йўналди.

Улар қишлоқ четдаги адирликда темир сандиқни буза бошлади. Ундан чиққан 13 минг сўм пул ва 45 минглик купонларни ўзаро бўлиб олдилар. Сўнгра сандиқни кўмиб, изларини йўқотишди.

Пахтабод райони ИИБ бошлиғининг ўринбосари Аҳмаджон Мавлонов бошчилигида оператив гуруҳ тузилди.

Калаванинг уч Сотиболдига тақалди. Аммо у анонийлардан эмаскан, гапни роса айлантиргач:

— Сизга ёрдам бераман, майли, — деди. — Мен жуда ўтқир дуохонман. Мени қўйиб юборсангиз, уйга бориб шундай дуолар ўқийманки, икки кун ичига йўқолган нарсалар жойига келтирилади.

А. Мавлонов «Қани дуонингиз кучини кўрайлик-чи», — дея қоровулни қўйиб юборди.

Сотиболди кечқурун ҳамтовоқларини йиғиб, воқеани айтиб ва биргалашиб темир сандиқ кўмилган адирга боришди. У ердан сейфни кавлаб олишга тўғри келди. Учови ниқиллашиб уни мактабга қайта кўтариб жўнашди. Директор хонасига темир сандиқни қўйишди-да, устидан икки минг сўм пулни сочишди. Остонага қадам ташлашлари билан... Бунини қарангки, ЖКБ ходимлари дуонинг кучини ўз кўзлари билан кўриб, кузатиб туришган эканлар.

Ш. САИДОВ,
милиция кичик сержанти.

ган бу шахс салкам беш минг сўмлик помидорларни Шимолга олиб кетаётган экан.

Москвага йўл олган Хамид Воҳидов эса чойнак-пиёла, коса, ликопчалар ва турли кийим-кечаклар — жами 12 минг сўмлик мол билан сафарга чиқибди.

Ҳамшаҳримиз Темур Давидов 26 минг сўмлик аёллар кийимини совуқ ўлкаларда пулламоқ ниятида экан.

Мазкур шахслардан олинган буюмлар мусодара қилиниб, уларга турли миқдорда жарима солинди.

ЮКЛАРГА ИШҚИБОЗЛАР

Охириги пайтларда юк вагонларида жуда кўп ўғирликлар кузатилмоқда.

Поезд йўл давомида кўп-лаб станцияларда тўхтаб келиши туфайли юкларнинг қаерда ўмарилганини аниқлаш жуда мушкул.

Шунга қарамай Шумилов станциясида хизмат қилаётган милиция ходимлари бунга қарши астойдил енг шимаришди. Ва ҳеч қаерда ишламай текинтомоқликка ҳўб ўрганган Олег Хван ва Олег Агаптовларни қўлга олдилар. Уларнинг уйида тинтув ўтказилганда, ҳар бири 24000 сўмлик 4 дона музлаткич, ўилаб қопларда гуруч, шакарлар, кир совунлар, электрлампочкалари, автомашинанинг эҳтиёт қисмлари, темир қувурлар ва бошқа халқ ҳўжалик моллари топилди.

Ҳадемай жиноятчилар одил суд олдиди жавоб берадилар.

ЭГРИ ДИРЕКТОР

Йўлдош унча-мунча одамларданмас. Кимсан — дам олиш зонасининг директори.

Бироқ ўйлаб қараса номи улуғу чўнтаги қуруқ экан. Нима қилиш керак? Аввал бир ҳамтовоқ топиши, сўнгра қинғир ниятини амалга ошириши керак. Шундай шерик топилиб ҳам. У ўз қўл остида ишловчи Туйғунни авради. Биргалашиб Н. Хаитовга тегишли «ВАЗ-2106» белгили машинани ўғирлаб, қисмларга бўлиб сотиб юбордилар.

И. Есауловга тегишли машинани олиб қочган ҳамтовоқлар ундан 8 минг сўм тоvon пули талаб қила бошладилар.

Бундан ташқари тергов давомида директорнинг ўз лавозимини сунистеъмол қилганлиги аниқланди.

Ушбу жиноятни кўриб чиққан Бўстонлиқ райони халқ суди Йўлдош Эрмековни 5, Туйғун Пармоновни 4 йилга озодликдан маҳрум этди.

МАСТ ТРАКТОРЧИЛАР

Янгийўллик Абдуҷамол Нурмонов ёш эмас. Ҳадемай қирққа киради. Аммо ақл ёшда эмас, дейдилар.

Абдуҷамол ҳамкасби Илҳом Усмонов билан «қиттак-қиттак» отамлашиб, йўлга тушишди. Ҳайрият ДАН ходимлари уларни ўз вақтида тўхтатдилар.

Шу кунни маст ҳолда тракторларни бошқарган Шўҳрат Пирматов, Юрий Малахов, Шўкур Аширбоевлар ҳам манзилларига пиёда кетишга мажбур бўлдилар.

Ушбу маст ҳайдовчиларнинг иши судда кўриб чиқилиб, ҳар бири бир ярим йилгача транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

М. ҲАКИМОВ.

ОСОЙИШТА
ЎТГАН КЕЧА

Баъзан ҳамшаҳарлар тилидан қуйидаги гап-сўзларни эшитиб қоламан: «Тошкентда қонунбузарлар кўпайиб кетяпти. Айниқса кечки пайт кўчада юришга аёллар у ёқда турсин, эркаклар ҳам чўчийдиган бўлиб қолди. Милиция эса...».

Биламан: милиция қўл қовуштириб ўтиргани йўқ, аммо юқоридаги ҳадиклар ҳам ўринсиз эмас.

Ана шундай хаёллар билан Тошкент шаҳридаги Яккасарой район ички ишлар бўлимига кириб бордим. Кеч соат 7 лар эди. Бошлиқ ўринбосари, милиция майори Ҳамшид Матлубов тунги экипажга қўшилиб, рейдга чиқиш ниятини қизгин маъқуллади. Шу заҳотиёқ телефон дастасини кўтариб, навбатчилик қисми билан боғланди ва яна менга юзланди.

— Марҳамат, пастда 36-экипаж сизни кутиб турибди.

Саноқли дақиқалардан сўнг бириктирилган ҳудудлар бўйлаб сафаримиз бошланди. Йўл-йўлакай ҳамроҳларим билан танишиб олдим. Бири пост-патруль хизмати иккинчи взводи командири вазифасини вақтинча бажарувчи милиция старшинasi Ҳайит ака Ойназаров, иккинчиси эса ҳайдовчи, милиция сержанти Шермат Хидиров.

— Икки йил олдин ишимиз унумли эди. Чунки аввалги Фрунзе райони ҳудудига битта рота хизмат кўрсатарди. Энди эса ярмимизни Сирғалига ўтказиб юбориб, бу ерда взводни қолдиришди...

Бобур номли маданият ва истироҳат боғи томон борарканмиз, юқорида айтганим — халқ эътирозига ана шу бўлиниш ҳам маълум маънода сабаб экан, деган фикрга келдим.

Боғни бир оз айлانгач, милиция кичик сержантлари Рустам Ражабов, Ислон Очилов ва милиция сержанти Боймурод Сафаровларга дуч келдим.

— Ҳозирча ҳеч қандай воқеа бўлгани йўқ, осойишталик, — дейишди улар.

«Бойчечак» боғида эса милиция ходимларидан Рашид Аҳмедов, Ҳожиакбар Умиров, Хайрулло Бобоқонов ҳамда Андрей Полстунновлар командирга ахборот беришди. Бу ерда ҳам тинчлик.

— «Россия» меҳмонхонаси томонга борамиз энди, — деди Ҳайит ака кўнгли хотиржам бўлиб. — Кўрайлик-чи, милиция катта сержанти Саид Жиппаров ҳамда милиционер Йўлчи Норбўтаевлар нима дейишаркин. Ўзимча ўйлайман: ҳойнаҳой у ерда бирор саргузаштга гувоҳ бўлсам керак. Чунки кўпичча меҳмонхонага «хोजатбарор» хонимчалару чўнтаги бақувват «ака»лар «ҳордиқ» чиқаришга келиши ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, шундоқ биқин томонда ресторан...

Соат миллари 22.00 ни кўрсатаётган маҳалда манзилга етиб келдик. Рестораннан чиқаётган мусиқа саволарию у ёқдан бу ёққа ўтаётган йўловчилар ҳамда машиналар шовқинини ҳисобга олмаганда, бу ерда ҳам осойишталик.

— Ширакайф ҳолатда ўзгаларнинг жигига тегаетган бевунийлик бир йигитни бўлимга олиб бориб тошпирдик, бошқа ҳеч қандай ҳодиса юз бермади, — дели милиция катта сержанти Саид Жиппаров.

Мен у билан бир неча

муддат суҳбатлашиб қолган эканман, ҳайдовчимиз чақириб қолди.

— Ортиқбой ака, машинага чиқинг энди. «Текстильный»га борамиз. Ҳозир комбинатда смена алмашади.

Эшитганман: тўқимачилик комбинатини суюқоёқлар базаси дейишади. Бу эслатман учун корхонада ишлайтган покиза опа-сингиллар кечирсинлару аммо шамол бўлма-са дарахтнинг учи қимирламайди. Ёки шолнинг орасида курмага бўлиши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, озгина сархушликдан сўнг кўнгли висол лаззатини хоҳлаб қолганларнинг айнан шу ерда омади чопишини ҳам бир-икки йил Тошкентнинг тупроғини ялаганларгача билишади.

Чамаси ярим соатларча корхонадан гур-гур чиқиб келаетган ишчиларни кузатиб турдик. Улар бизга қиё ҳам боғмай уй-уйларига тарқалишди.

Жанубий темир йўл шоҳбекатида ҳам осойишталикни, милиция ходимлари ҳушёрликларини билгач, ички ишлар бўлимига қайтишга қарор қилдик. Аммо йўлда 37-35 ТНЛ рақамли «Зил» автомашинаси эътиборимизни тортди. Унинг кузовига уйиб ёғоч ортилганди. Ҳайдовчи ўзини оқловчи бирор ҳужжат кўрсата олмади ва шунинг учун уни машинаси билан бўлимга олиб боришга тўғри келди.

— Машинага ва ёғочга тегишли ҳужжатларни келтирмагунча уларни шу ерда қолдирасиз, — дейишди ҳайдовчига.

Оператив навбатчи ёрдамчиси, милиция катта сержанти Ботир Мақсумовдан боя «Россия» меҳмонхонаси атрофидан келтирилган йигит ҳақида сўрадим. — Исми Ўлтайбой Матсабоев экан. Тошкентга тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳини битирганлиги ҳақида диплом олгани келган экан. Кейин уни ювишган. Бегунийлик дўстимиз хурмача тўлганини эсдан чиқариб қўйибди...

Навбатчилик қисмида нисбатан узоқ ўтирдим. Ҳамда блокнотимга қўйидаги жумаларни битдим.

«...Икки нафар дайдини олиб келишди. Улардан бири семипалатинский И. Нурмуҳаммедова, иккинчиси Бўстонлиқ районидан Н. Мавленова бўлиб чиқди. Н. Мавленова текшириб кўриш учун Сирғалидаги тери-таносил касалликлари шифохонасига юборилди.

...Тошкент қурилиш материаллари комбинатининг 2-цеҳида чилангар бўлиб ишловчи В. Поляков ўз корхонасидан ўмариб чиққан 6 квадрат метр кафел билан қўлга тушди.

...Жиноят-қидирув бўлимаси ходимлари В. Трусачев хонадониди гиёҳванд ўсимлик ўстирилатганини аниқладилар ва йўқ қилдилар».

Девордаги соатга қарасам, миллари тунги 3 ни кўрсатарди.

— Энди мен уйга қайтсам ҳам бўлар, — дедим суҳбатдошларимга. Улар эса бегубор ҳазил қилишди.

— Ҳали эрта-ку!

Бугун ишхонага келибди яна навбатчилик қисмига қўнғироқ қилдим. Айтишларича, мен қайтганимдан сўнг то тонггача бирорта ҳам жиддийроқ қонунбузарлик қайд этилмабди.

Ишқилиб доим шундай бўлсинда.

Ортиқ
МАҲМАЮСУНОВ,

Хизматларда

Граната жанговар экан

Гумондорнинг қаердан қўним топганлиги аниқ: Урганч шаҳри, Матросов кўчаси, 23-уй. Аммо ҳибсга олиш учун ўша манзилгоҳга бир неча марта борган ходимларнинг саъй-ҳаракатлари бесамак кетди. У гўёки осмонга чиқиб кетгандек ёки ерга кириб кетгандек ғойиб бўларди.

Шаҳар ички ишлар бўлими жиноят-қидирув хизмати ходимлари Маркс Раззоков, Андрей Казаченко ҳамда участка вакили Оллоберган Раҳмоновлар милиционер-ҳайдовчи Жуманазар Сапоев ҳамроҳлигида бугун яна бир бор таваккал қилиб кўрмоқчи бўлишди.

Машинада кетишпти. Уларнинг бирортаси ҳам тун бўйи мижага қоқишмаган. Уйқусизликдан қизарган кўзларини ташқарига тикиб, ўйчан боришмоқда. Одамлар одатдагидек у ёқдан-бу ёққа шошилишди. Кайфиятларининг кўтаринки эканлиги, диллари ҳеч нимадан хижилмаслиги қадам ташлашларидан ҳам маълум. Изқуварларнинг нотинч юракларини эса мушук тирмалайди. Жиноятчи очикда ялло қилиб юради уларда ором бўладими!

Манзилга етиб келишди. Атроф сокин, худди шунингдек 23-уй ҳам. Юзаки қараганда бошқа хонадонлардан ажратиб олиш ҳам қийин.

Милиция ходимлари ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёткорлик билан ишни яна бир бор режалаштириб олдилар. Маълуми имо-ишоралардан сўнг Маркс дарвозани тақиллатди.

— Абдулла уйдами? — деб сўради бир неча сония ичида рўпарасида пайдо бўлган хонадон бекаси.

— Йўқ, нима эди? — Биз милицияданмиз, уйингизни бир кўздан кечиримиз керак.

Аёл бир нимани кўнгли сезгандек типирчилаб қолди. Атайлаб овозини бор бўйича қўйиб шанғиллай кетди.

— Айтдим-ку сизга, Абдулла йўқ. Ҳар қанақа одамларни эса уйимга қўймайман. Менинг кулбам карвонсарой эмас!

У шундай бақириб гапирардики, овозини етти маҳалла эшитиш мумкин эди. Изқуварлар ҳам аяойи эмас. Беканинг ҳатти-ҳара-

кати ичкаридагиларни огоҳлантириш учун қилинаётган уриниш эканлигини дарров сезишди.

— Сизлар шу ерда ҳушёр туринглар, мен эса ичкарига кираман, — деди Маркс ҳамроҳларига ва аёлни оҳиста бир четга суриб, ичкарига қадам қўйди. Дераза пардаларидан хона ичида телевизор кўриб ўтирган икки киши элас-элас кўзга ташланарди. Афтидан телевизор овози баландлигидан улар беканинг бақирғини эшитмаган эдилар ва шу боис бамайлихотир ўзаро суҳбатни давом эттирдилар. Бир қидириётган Абдулла, иккинчиси эса бир неча марта оғир жиноятларга қўл урган Дўсимов (негандир уни исмидан кўра шарифи кўпроқ тилга олинарди, биз ҳам шунга риоя қилдик) эди.

Маркс хонага қоплондек отилиб кирди. Абдулланинг кўлидан тутди. Аммо шу пайт унинг онаси ва оила аъзолари чувилаб изқуварга ёпишишди. Абдулла эса фурсатдан фойдаланиб, ўзини бор тарафдаги эшикка урди.

Ичкарида қолган Дўсимов сакраб ўрнидан турди.

— Мени қўйиб юбор, акс ҳолда ўзимни ҳам, сенларни ҳам портлатиб юбораман! — деди қўлидаги гранатани ҳавода ўйнатиб.

Ана шу манзарани кўз ўнгингизда бир гавдалантириб кўринг, азиз газетхон. Гранатани бераҳм — ўлим шарпаси. Шу пайтда сиз қандай иш тутган бўлардингиз? Ўйлашнинг ўзи ҳам даҳшатли, шундай эмасми? Аммо Маркс ва Андрей додириб қолишмади. Бир унинг йўлини тўсди, иккинчиси эса қўлларига ёпишди.

— Портлатсанг, кўчада портлат, уйда болалар бор! — дея кўчага олиб чиқишди.

Маркс унинг белини шундай сиқдики, тайёр ҳолатдаги граната шундоқ оёқ остига думалаб кетди. Шунда ҳам Маркс ўзини йўқотиб қўймади. Зудлик билан кураш усулларидан бирини қўллаб, Дўсимовни ажалнинг устига ётқизди. Жиноятчининг аввалги дўқ-пўписаларидан асар ҳам қолмаган, тинмай ялинарди.

— Ҳозир портлайди. Тезроқ мени қўйиб юбор, қочайлик!



Бахтли тасодиф туфайлигина портлаш рўй бермади. Андрей, Жуманазар учовлон Дўсимовнинг қўлига кишан урдилар. Кейин машинага тиқилишди.

Абдулла қочиб кетгач, Оллоберган унинг изидан тушганди. Маркс дўстига ёрдамга шошилди. Аммо машинадан узоқлашмай туриб, тўполон товушларини эшитиб, ортга қайтди. Дўсимов кишандаги қўллари билан оёқ кийимига жойланган пичоқни олган ва Андрейнинг елкасига, қўлига ва юзига санчишга улгурганди.

Маркс унинг қўлидан пичоқни тортиб олди.

Граната вилоят ҳарбий комиссариати ходимларига кўрсатилганида, жанговар эканлиги аниқланди.

Мана шу воқеа тафсилотини эшитдимиз Маркс Раззоков, Андрей Казаченко, Оллоберган Раҳмонов, Жуманазар Сапоев сингари ҳамкасбларим борлигидан фахрландим. Агар Дўсимов қочишга улгурганида борми, қўлидаги граната билан ҳамюртларимиз бошига нене кўргуликларни солган бўларди. Қуён бўлган Абдуллага келсак, у барибир қўлга тушади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача.

М. НАВРУЗГАЛИЕВ,
Херазм вилояти ИИБ ходими, милиция лейтенанти.

МУСАВВИР «УСТОЗ»

Омади тобора юришиб келаётган Олег кечалари ҳам мўмай пул топиш орзусида тўлғаниб, тунларни бедор ўтказиб, тонг отишини сабрсизлик билан кутар эди.

Олег Тимонов Фарғона кашшофлар уйида расм олиш тўғрисидаги раҳбари бўлиб ишлаб, вояга етмаган ёшларга ҳам ўғрилиқ сирларини ўргатиб келар, қўл остида тарбия олаётган болаларни жиноий ишдан сақлаш ўрнига, янги жиноятларни амалга оширишларида бошчилик қиларди.

У шогирдлари Муҳаммад ва Александрларга дорилфунуннинг физика кафедрасида жойлашган, Японияда ишланган IBM PC-AT белгили, қиммати 40000 сўмга тенг бўлган компьютерни ўғирлаш тўғрисидаги қизмани топширди ва амалга ошириш йўллари ўргатди.

Топшириқни олган шогирдлар кеч соат 18 ларда мантировка ва қўлчиноқни суммага солиб, физика кафедраси томон йўлга тушдилар. Улар секин-аста томга чиқиб, лаборантларнинг кетишларини кутишди. Ҳеч ким қолмагач, хонанинг эшигини бузиб кириб, компьютернинг ҳамма асбоб-анжомлари билан олиб чиқиб кетдилар. Сўнг автомат телефон орқали Олегга ишнинг силлиқ кўчганлиги ҳақида хабар беришди.

Кечқурун эса икковлон «ўлка»нинг ҳамма қисмларини Тимоновнинг уйига йўловчи машинани кира қилиб олиб келдилар. «Устоз» уларга 3 минг сўм беришга ваъда қилди.

Бўлиб ўтган воқеадан хабар топган кафедра раҳбари Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

Ички ишлар бўлимининг ходимлари шу кунгича жиноятни очиш учун оёққа тургазилди. Раҳбарликни ИИБ бошлиқ ўринбосари милиция майори Улўбек Охунов олиб борди. Барча ишламай юрган ва милиция ҳисобидида турганлар синчилаб текширилди. Бир ҳафтадан ортиқ кечаю-кундуз тинимсиз олиб борилган қидирув ишларининг натижаси ёмон бўлмади. Александр ва Муҳаммадлар гумондор сифатида қўлга олинди. Тимонов эса компьютерни харидорга сотаётган пайтда, ўз уйида тутилди.

Бу гуруҳ содир этган жиноятларни текшириш ва суриштириш ишларини олиб боришда шаҳар ички ишлар бўлимининг терговчиси милиция катта лейтенанти Т. Ҳамроалиев ўз касбининг устаси эканлигини кўрсатди. У жиноятчиларнинг айбини бўйига қўйиш билан бирга суриштирув давомида яна бир қатор ўғриликларни очишга муяссар бўлди. Жумладан: М. Зиоров ва А. Орлов 1989 йил 15 декабрга ўтар кечаси, Фарғона шаҳар Фрунзе кўчасидаги видеотека хонасининг ойнагини олиб, унинг ичкарисига кириб, электрон иситтич ва нарда олганлар.

1990 йил 30 июнга ўтар кечаси Фрунзе кўчаси 45 «а» уйдан жами 2148 сўмлик буюмларни, 29 декабрда эса Партизанлар кўчасида яшовчи Э. Содиқованинг уйидан 2000 сўмлик Германияда ишланган тикув машинасини, 150 сўмлик қизил «Меркурий» куртка ва бошқа жами 7035 сўмлик буюмларни ўмаришган экан.

Буларни Тимонов биларди, аммо шогирдларини жиноий йўлдан қайтармади, аксинча ўғирланган 7035 сўмлик товар ва молларни бу ўспиринлардан 500 сўмга сотиб олди ва охири катта ўғриликка бошлади. Аммо бу сафар уларнинг омади келмади.

Фарғона вилояти халқ суди ўз мажлисида бу ишларни кўриб чиқди. Олег Тимонов 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш муассасасига жўнатилди, мол-мулк мусодара қилинди.

Александр Орлов, Муҳаммад Зиоровлар 5 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазони кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш муассасасида ўтайдиган бўлдилар.

Ишламасдан бировларнинг мол-мулкни талаб, ўғрилиқ ҳисобига ҳаёт кечиришнинг ҳам охири бор, ахир.

А. ҒАНИЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ ходими, милиция майори.

САККИЗЛИК ТУГАТИЛДИ

ни аниқлаб, ўғрилиқка бошлаган сен экансан.

— Бекорларни айтибди. Қармоққа олманг. У бундай дея олмайди.

— Эҳтимол сен берган «дори» таъсирида бундай дейилмас, лекин кўз олдида темир панжарани тасаввур қилгач...

— Бахрилло қўлингизда экан, нега юзлаштирмайсиз?

— Мен бор гапни сендан эшитмоқчийдим.

— Э... биламиз, сизларнинг услубингиз...

Валерий ижирганиб, нималардир деди. Афтидан у сўкаётганди.

Терговчи эса суратдаги Бахриллонинг ҳам жиноятга шерик эканлигини аллақачон ўқиб олганди. Уни топиш эса унчалик қийинчилик туғдирмади.

Терговда Бахрилло Валерийнинг ҳибсга олингани ҳақидаги хабарини эшитиб, саросималаниб қолди. Аввалига ишонмади. Ўзини ҳеч нарсадан беҳабардай кўрсатишга уринди. Аммо уddaсидан чиқолмади. Уни терговдан ҳам кўра қамаб қўйишлари тўғрисидаги фикр кўпроқ кўрқитарди. Бир йў-

ла «зона»га юборса майли, иложини топса бўлади. Худо билади тергов, ундан кейин эса суди қанча давом этаркин. Бу вақтда қаердан «дори» олади? «Синиш» бошланса жонини қаерга қўйди? Кўпроқ ана шулар ҳақида, ҳозир уни. Иккинчи томондан ўша ирқит, ҳавоси бўғувчи жойга сира боргиси йўқ. Ҳозир ҳамма ўз терисининг омон қилиниши ўйлайди. Ҳе, ўша Алишерининг ҳам, Валерийнинг ҳам онасига...

Демак гуруҳ бошлиғи Валерий эмас, Алишер экан. Ҳаҳ, Валерийни тушмагур, «бир ўзимман» дейди-я. Гап эса бу ёқда экан.

Бахриллонинг гапига қараганда икки нафар оғзидан она сўти кетмаган «мишиқлар» бор. Улар кимлар. Ишнинг ўшалардан бошланг керак. Ҳойнаҳой улар бир жойда «айлангиримайди». «Мишиқлар»ни топиш зарур. Тезроқ.

Терговчи юзида қизикқонлик акс этган йигитчага боқди. У эса ўзини қўлга жой тополмайди. Енида оқловчиси. Пулакда ота-онаси бетоқат кутишмоқда.

— Сиз Валерий Сичев, Бахрилло Файзиевларни танийсизми?

— Ҳа, танийман, — дейди у оқловчиси томон илтижоли боқаркан.

— Шу йилнинг 23 апрелидан 24 га ўтар кечаси қаерда эдингиз?

— Эсинда йўқ. Ўртоқларим билан ўтиришда бўлганман чоғи...

— Сичев, Файзиевларни ўртоқларингиз?

— Йўқ. Мактабдош таниш-билишларим билан.

— Унда сизни фуқаро Ориповнинг гаражи ёнида куришганини нима билан изоҳлайсиз.

— Йўқ, бу ёлгон, мен ўтиришда эдим.

Терговчи «жишиқнинг» анча қаттиқ ёнбоқлигини сезди. Ҳа, йигитча тутқунликда ўтиришдан кўра «устозларнинг» ҳисоб-китобидан қўрқаётганди.

«Яна бир умид у беҳосдан тилга олган Рубен Аванесовдан эди.

Рубен Дмитрийдан бир ёш катта бўлишга қарамай бирмунча самимийроқ гаплашди.

Тергов жараёнида жиноятчи тўданинг янги аъзолари юзага чиқа бошлади. Жами саккиз кишидан иборат бўлган бу гуруҳга 1958 йилда туғилган Алишер Саъдуллаев бошчилик қилган. Муқаддам тўрт марта қамаалган, 1963 йилда туғилган Бахрилло Файзиев — гиёҳванд, ижрочи. 1961 йилда туғилган Эркин Саъдуллаев ҳам илгари ўтириб чиққанлардан, ижрочи. 1957 йилда туғилган Виктор Ваширов, уч марта судланган, гиёҳванд, ижрочи. Дўстназар Аминов, 1944 йилда туғилган, гиёҳванд моддаларни сотиш — олиш билан шуғулланади. Рубен Аванесов 1973 йилда туғилган, илгари судланиб, ҳужим ижроси кечиктирилган. Гиёҳванд, ижрочи. Дмитрий Любчиков 1974 йилда туғилган, ижрочи.

Мазкур саккизлик автомашина эҳтиёт қисмларини ўмариб сотиш, гиёҳванд моддалар таъминоти билан шуғулланишга қолмай 50 минг сўмдан зиёд давлат мулкни гумдон қилишган.

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ЖКБ ва ва ТВ ходимларининг пухта, режали амалга оширган тадбирлари туфайли мазкур саккизлик фаолиятига чек қўйилди.

М. ИБРОҲИМОВА.

Валерий айбини тан олгиси келмасди. Турли баҳоналар тўғйи чиқарар, «ҳеч кимни танимайман, бир ўзим қилганман», деб қатъий туриб олганди. Бироқ катта ишқордаги давлат мулкни ўғирлаш ёлғиз одамнинг қўлидан келмаслиги кундай аён эди.

— Шунча эҳтиёт қисмларини бир ўзинг ўмаришинг ақлга сиймайди.

— Кенгроқ ўйланг, начальник.

Терговчи тортмадан бир неча суратларни олиб, Валерийга кўрсата бошлади.

— Бунини танийсизми?

— Йўқ.

— Бунисини-чи?

— Йўқ.

У деярли барчасини икор этди. Терговчи охиригини олди-да столга ташлади.

— У эса сени таниркан.

— Бўлса бордир.

— Сендан «дори» олиб тураркан-у, танимайман дейсан-а.

— Мен ҳеч кимга «дори» берган эмасман. Уйимдагини эса ўзим учун асраб қўйгандим.

Бахриллонинг тўрт марта ўтириб чиққанини биларкан. Унга шерикларини яширишдан фойда чиқмаслигини ҳам. Айтишга қараганда гуруҳини ташкил қилган, барча тафсилотлар-

БУХОРОДА ҲАММАЁҚ ТИНЧМИ?

Бухоро вилояти ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинималари олти ойлик хизмат ва молия-ҳўжалик фаолиятининг якунлари бўйича республика қўриқлаш бўлинималари орасида илғор деб топилди. Ютуққа эришиш осон кечмади. Қилинган ишлар тўғрисида гапириб-беришни вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция полковниги Ғ. Ҳўжамовдан илтимос қилдим.

— Ғайбулло Ҳалимович, қадимда Бухорон Шарифда бирор қосиб зарур иш билан отланса, дўконини парда билан ёпиб кетавераркан. Эшикни қўлфлаш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас экан. Ҳозир-чи?

— Албатта, ҳозирги кунда аҳвол ёмон. Бунинг сабабларини ҳамма билади: иқтисодиётдаги қийинчиликлар, кечагина қардош бўлган республикалар алоқаларининг ҳар томонлама узилиб бориши, шу сабабдан кўпгина истеъмол молларининг танқислиги...

Вилоят қўриқлаш бўлинималари ходим ва хизматчилари томонидан қўриқланаётган халқ ҳўжалиги объектларида, айниқса, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналарида ўғрилиқка йўл қўймаслик, жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари, ёнғиндан сақлаш бўйича ҳар томонлама чоралар қўрилди. Натижада муҳофизадаги 2492 та давлат ва жамоат объектларида ва етти мингга яқин фуқароларнинг турар-жойларида битта ҳам ўғирлик содир бўлгани йўқ. Аммо бу шунга уриниш ҳам бўлмади деган гап эмас. Бирининг мулкига кўз олайтирган шахслар учраб турибди, бироқ улар ушланмасдан қолмапти. Гапимнинг исботи сифатида мисоллар келтирмоқчиман.

Кечаси соат 12 ларда Ғайбулло Ҳўжаев райони ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими 1-марказлашган қўриқлаш пултига (МҚП) Самарқанд кўчасидаги хонадондан ташвиш сигнали тушди. Ходимларимиз ҳовлини қўришаб олиб, қочиб кетиш йўллари тўсиб, «Рекс» лақабли хизмат ити ёрдамида ўғрини қўлга олишди.

Қўриқлаш бўлинималари ходимларининг тезкор ва аниқ ҳаракатлари туфайли

нафақат жиноятнинг олди олинади, балки жиноят-қидирув хизмати ва тергов органларига аввал содир қилинган жиноятларни очишда ҳам ёрдам кўрсатилади. Чунки ходимларимиз қинғир йўлга ўтганларни жиноят содир қилаётган жойда ушлашади.

Кечаси соат икки яримда Ромитан райони ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими кичик инспектори, милиция сержанти Ф. Бахронов қоровуллар З. Зулаев, Т. Ашуровлар билан биргаликда ака-ука Шавкат ва Толмасларни ўғрилиқ содир қилаётган пайтда ушлади. Бу икки йигит Ромитан шаҳри марказидаги «Ҳўжалик моллари» дўконининг орқа томонида жойлашган қўшимча омборхонага кириб, 2 минг сўмдан ортиқ нархдаги турли хил товарларни қопларга жойлаштириб қўйишган экан. Суриштиришлар натижасида аввал содир қилинган яна уч жиноятлари ҳам очилди.

— Ўртоқ полковник, юқорироқда хизмат итлари ҳақида гапирдингиз, бу ягона ҳодисага ёки улардан кенг миқёсда фойдаланасизларми?

— Постларда, йўналишларда, марказлаштирилган қўриқлаш пунктларида ўта муҳим объектларни қўриқлашда хизмат итлари ходимларимизга ҳамроҳ ва ёрдамчи бўлиб келмоқдалар. Ҳозирда шундай ўргатилган 39 хизмат итларимиз бор. Яна мисол келтирай.

Қоронгу кечаларнинг бирида Ромитан тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш пункти (МҚП) бошлиғи, милиция лейтенанти Ш. Нуруллаев «Шарик» лақабли хизмат ити билан пахта тозалаш заводини кўздан кечириб юриб, девор тагида ўғирлашга тайёр қилиб қўйилган 4 той пахтани қўриб қола-

ди. Нуруллаев ёрдамчиси билан завод ташқарисида пистирмада туради. Соат учдан 15 дақиқа ўтганда девор ортидан икки шарпа иккита қопни ерга ташлаб, ўзлари ҳам пастга сакраб, милиция зобити қўлига тушишади. Ярим соатлар ўтгандан сўнг худди шу йўл билан яна икки ўғри ушланди. Завод ишчилари Илҳом П., Обиджон М., Одил Ю., Завқиддин К. ўз корхоналаридан умумий нархда 11 минг 500 сўмлик 90 килограмм тозаланган хом ашёни нима учун ўғирлашганини терговда айтиб беришар.

Умуман, ярим йил мобайнида вилоят қўриқлаш бўлинималари ходимлари 86 марта қонунбузарликнинг олдини олишди ва кўплаб жиноятларни очишда қатнашди. Шулардан ярмиси қўриқланаётган объектларда бўлиб, 63 нафар шахс ушланди ва улардан 31 нафарига нисбатан жиноий иш қўзғатилди, қолганларига эса маъмурий чоралар қўрилди. Натижада давлат ва жамоат корхоналарига 124 минг 157 сўмлик товар-моддий бойликлар қайтариб берилди.

Аввал биз профилактика ишларига катта аҳамият берамиз. Шу мақсадда ярим йил мобайнида корхона, муассасалар ишчи-ходимлари билан 125 марта учрашувлар ўтказдик, 63 мартаба маҳаллий радио ва рўзномаларда чиқиш қилдик.

Агарда корхоналар раҳбариятлари, жамоалари бизга ҳар томонлама ёрдам беришганда эди, ходимларимизнинг шунча ҳаракатлари зое кетмаган бўларди. Ҳозирча эса бу курашни қўриқлаш бўлинималари ёлғиз олиб боришмоқда.

Ташмачилик энг кўп тарқалган қонунбузарликлардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг давлатга келтираётган зарарини фақат биргина корхона — Бухоро ил-газлама ишлаб чиқариш комбинатининг бўёқчилик-пардозлаш фабрикаси (БПФ) мисолида кўришимиз мумкин. Бухоро шаҳар Тўқимачилик райони ИИБ ҳузурида-


ги қўриқлаш бўлими взвод командири милиция капитани С. Мирфайзов фабрика ишчиларидан Моҳира Н. — 12 метр, Бону Х. — 15 метр, Лутфулло С. — 34 метр ва Алишер Х. ни — 35 метр чит олиб чиқиб кетаётган пайтда уларни фотосуратга олиб. Агарда бу читларнинг давлат нархини ҳисоблаб чиқсак — 1 минг 194 сўм 70 тийин бўлади.

Корхонада ташмачилик фактлари билан бирга катта ўғриликлар ҳам учраб туради. Яқинда милиционер Ф. Бахронов яроқсиз қурилиш чиқиндиларини олиб чиқиб кетаётган 118-автобазага қарашиб «НамАЗ» юк машинасини текширди. Ҳайдовчи Н. В. бир қарашиб ўзини ҳеч нарса билмагандай тутди. Аммо сезгир милиционер унинг бежо кўзларидан бир гап борлигини пайқайди. Машина қузови синчковлик билан текширилганда ахлат ичида яшириб қўйилган 543 метр «Хоразм гўзали» газмоли чиқди. Энди Н. В. давлат нархи 12 минг 787 сўмлик газмолни кимнинг ёрдами билан ва қаердан олганлиги терговда аниқланади.

Вилоят бўйича шу давр ичида ходимларимиз 848 нафар ташмачини ушлаб, давлатга 50 минг 570 сўмлик тайёр маҳсулот ва хом ашёни қайтариб бердилар. Ушланганлардан 477 шахсга район суди 28340 сўм жарима солиди. Қолганлар устидан йиғилган ҳужжатлар ишлаб жойларига юборилиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилди.

— Вилоят ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинималари олдида турган муаммолар тўғрисида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Кейинги пайтларда айрим корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарияти томонидан қўриқлаш бўлинималари хизматида бош тортиш ҳоллари учраб турибди. Биздаги мавжуд техник воситалар, ўз ишларининг усталари бўлган ходимларимизнинг қиммат ва камёб маҳсулотларни, хом ашёларни сақлаб бўларканми?



Бизларга хизмат фаолиятимизни бундан ҳам яхшилаш учун кўп нарсани етишмайди. Автотранспорт, ёқилғи, айрим техник воситалар тақчил. Аммо бу муаммоларни ечишда бизга Ўзбекистон Республикаси ИИБ, «Қўриқлаш» бирлашмаси ва вилоят ИИБ раҳбарияти мумкин қадар ёрдам бериб туришибди.

Қисқа қилиб айтганда давлат, жамоат ва фуқароларнинг мулкни сақлашда Бухоро вилояти ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинималарида етарли куч ва моҳир ходимлар бор.

Буни бизлар билан шартнома тузмоқчи бўлган корхоналар, ташкилотлар маъмурияти ва фуқаролар билан қўйса зарар қилмасди.

Суҳбатдош
Элшод РАҲМАТОВ,
милиция майори.

ЁШ КЕЛСА, ИШГА

Пайариқ тумани ИИБда сидқидилдан меҳнат қилаётган ходимлар талайгина. Шундайлардан бири ёш милиционер Ғўломжон Ҳамидовдир. Ғўломжоннинг отаси Жаббор Ҳамидов, онаси Махфират опалар ўн бир нафар фарзандин камтар, камсуқум, меҳнатсевар қилиб тарбияламоқдалар.

Ота-онадан андоза олган Ғўломжон Афғонистон туپроғида йигитлик бурчини адо этгач, ички ишлар идораларида хизматни давом эттиришга аҳд қилди. Тез орада туман ИИБ ходимлари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Айни вақтда у ИИБда намунали хизмат қилмоқда. Аҳоли билан кенг профилактик ишлар олиб боришда, ДАН, соқчилик, ИИБ бўлими ва бўлинималари ҳамкорлигида ўтказилаётган рейдларда фаол қатнашиб, жиноятларни очишга ҳиссасини қўшмоқда.

Агарда ўтган йили туманда 129 та жиноят аниқланган бўлса, уларнинг 94,2 фоизи фотосуратга олиб, 36 нафар ароқхўр, 24 нафар гўшхўр, 16 нафар чайқовчи, 52 нафар жамоат тартибини бузган шахс ушланди. Ана шу



ишларда Ғ. Ҳамидовнинг ҳам хизматлари беқийсдир.

— Агар орзуим рўёбга чиқса, олий милиция мактабига бориб ўқимоқчиман, — дейди Ғўломжон. — Шу соҳада меҳнат қилиш, муҳими халқ осойишталигини сақлаш инсоний бурчимдир.

Ф. РАҲМОНОВ,
милиция катта лейтенанти.

Суратда: пост-патруль хизмати ходими Ғ. Ҳамидов.

Акмал Икромов туман ички ишлар бўлимининг бошлиқ ўринбосари милиция подполковниги Орифжон Ёқубжонов «кўп гап эшакка юк» қондасига қатъий амал қилаётганлардан чиқиб қолди. Лўнда саволларга лўнда жавоб, ҳеч қанақа ортқича гап, ҳеч қанақа баландпарвоз сўз йўқ.

Тўғриси бунақа суҳбатни олиб бориш оғир экан.

— Орифжон ака, суҳбатни сизларни қийнаб келаятган муаммолардан бошлай қолайлик. Шунангиз борми, ўзи?

— Асосан бизни шароит масаласи қийнаб турибди. Қўриб турганингиздек бионинг аҳволи чатоқ, тор. Терговчиларимиз икки-уч, жиноят-қидирув ходимларимиз беш-олти киши бўлишиб ўтиришибди бир хонада. Қурувчилар бизга атаб қўраётган бионини шу йил декабрда фойдаланишга топширишга ватда беришган, лекин биз бунга умид қилаётганимиз йўқ. Уларни биласиз-ку... Келаси йил шу маҳалларда кўчиб ўтсак керак.

— Райондаги оператив аҳвол қандай? Қанақа жиноятлар кўп содир этилаяпти?

— Хонадон ўғирликлари кўп учраб турибди. Чилонзор мавзеси нотинчроқ. Оператив маълумотларга кўра 60 фоиз жиноятни очишга муваффақ бўлаяпмиз, судга оширилганлари бўйича эса 40 фоиз.

— Бунинг олдини олиш

ЖИНОЯТЧИЛИК ОЗАЙМОҚДА

учун чоралар қўрилаётган бўлса керак, албатта?

— Шаҳар ички ишлар бошқармасининг алоҳида батальони ёрдам бермоқда. Ҳозир жиноятчилик сезиларли даражада озайган. «Тун» тадбирларини ўтказаяпмиз. Ҳар тун ҳудудимизда саккиз-тўнқизтадан гуруҳ фаолият кўрсатмоқда.

— Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи қандай, масалан уй-жой билан таъминлаш?

— Шу йилнинг ҳисобига ҳали бирорта ҳам квартира ажратмади ижрокўм, лекин бешта хизмат хонаси олди. Ўтган йили 13 нафар ходимимиз уй билан таъминланган эди. Билсангиз керак, ҳозир уй-жой қурилиши кўнгилдагидек кетаётгани ҳам йўқ. Агар ҳуқуқий ҳимоя ҳақида гапириладиган бўлса, ўткир муаммога дуч келганимиз йўқ.

— Биласиз, ҳамма жойда аҳвол оғир, бу нарса кўпгина кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқаради...

— Бизда аксарият ўз уйларига яқинроқ жойларга ўтказишларини сўраб мурожаат қилишади, иложи бо-

рича илтимосларини қондиришга ҳаракат қиламиз. Бунинг ёмон томони йўқ. Милициядан бўшамоқчи бўлганлар хусусида эса қараймиз, яхши ходим бўлса олиб қолишга ҳаракат қиламиз, бўлмаса...

— Янги ходимлар олиш масаласи қандай? Ёшлар милицияга ўтиш учун иштиёқ билдиришаяптими?

— Ҳозирда ўн олтига бўш ўринимиз бор. Ўтаман деганлар кўп, танлаб-тайлаб олаяпмиз, бўлмаса аллақачон ўринларни тўлдириб олган бўлардик.

— Замонавий техника билан қуролланиш даражаси қай аҳволда?

— Эксперт-криминал техника, видеотехника билан яхши таъминланганмиз, компьютер эса ҳозирча йўқ, лекин яқинда олмоқчимиз.

— Айрим жойларда милициянинг ҳокимияти билан келишмовчиликлари ҳақида эшитиб қоламиз...

— Районимиз ҳокимияти бизга ҳеч қанақа таъйиқ ўтказаяптгани йўқ. 44 нафар муниципал ходимимиз бор, шуларни таъминлаб турибди.

Суҳбатдош
И. ШОМУРДОВ.

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

ТИЙИБ ҚҲЙИШ ЗАРУР

Яқинда бир иш билан Тошкентга бордим ва уйга поездда қайтишни ихтиёр этдим. Жанубий темир йўл шоҳбека-тида турсам, Тошкент-Андижон йўловчи поездини йўлга қўйишди. Чиройли вагонларга ҳавас-ла боқдим шу пай-нинг ўзида дилим хира тортди. Ҳар бир вагоннинг ойнаси синган эди. Ўзимча тасаввур этдим: ёз фаслининг сўнгги ойна бўлсада, кечалари салқин тушиб қоляпти. Айвонда кўрпа ёпинмасдан ётиш қийин. Вагонларда эса менга ўх-шаган қариялар, ногиронлар ва ёш болалар аёллар бўлиши табиий. Хўш, уларнинг ҳоли нима кечади? Манзилларига қай алфозда етиб боришади?

Ана шу савол билан вагон кузатувчиларидан бирига мурожаат қилдим.

— Э, амаки, дардимиз кўп, ярамизни тирнаб қўй-дингиз, — деди у бирданига қовоқлари уюлиб. — Бе-зори болаларнинг дастидан ўлар бўлсак, ўлиб бўлдик. Кечалари темир йўл ёқасига гуруҳ-гуруҳ бўлиб чиқиб олишадида, тошбўрон қилишади. Ойналарнинг чил-чил бўлганини қўверинг, бечора йўловчилар жароҳатлан-ган пайтлар ҳам бўлган. Тўхташ, уларни тартибга ча-қириб қўйиш имкониятимиз йўқ, биласиз. Фақат одам-ларни огоҳлантирямиз, эҳтиёт бўлинглар, болалар тош отиб қолишлари мумкин деб.

Ана сизга муаммо!

Ислом ҳадисларида фақат ўзгаларга қўлдан келгани-ча яхшилик қилиш кераклиги уқтирилади. Бегуноҳ ки-шини уриш, сўкиш ёки таъбини тирриқ қилиш эса гу-ноҳлар ичида энг оғиридир. Зотан ўзбек халқининг маъ-навиятида бу муҳим ўрин тутди.

Ана шу нуқтан назардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳеч кимга зарари тегмай ўтиб кетаётган поездни тош-бўрон қилаётган болалару уларнинг ота-оналари кимлар экан, деган фикр туғилади. Бугунги вагондаги йўловчи-ни бесабаб жароҳатлаган ўспирин эртага ҳе йўқ, бе йўқ — кимларнингдир жонига қасд қилмайди деб ким қафолат бера олади? Ҳеч ким! Нахотки баъзи ота-она-ларни бу ташвишга солмаса? Қолаверса, битта болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она деган иборанинг қадр-қиммати қаерда қолди? Айримлар фарзанд тарбияси билан шуғулланишга вақт тополмаётган ота-оналар фикрларини шундай ифода этишади: яшаш оғир бўлиб кетди, аёл ҳам, эркак ҳам кун бўйи қайсидир корхона ёки ташкилотда ишлайди. Вақт эса...

Менимча, бу сабаб эмас, баҳона. Ўсмир гўёки ҳўл новдакек гап, қаёққа эсанг, ўза ёққа қараб ўсади. Де-мак, фарзанднинг нима билан шуғулланаётганидан ха-бардор бўлиб юриш жуда зарурки, бу ерда ҳар қандай важ-карсонлар икки пул.

Иккинчи томондан олиб қараганда, поездда қаёққа-дир сафарга отланган йўловчилар ҳеч биримизга бего-на эмас, ўзимизнинг ҳамюртларимиз. Уларнинг саломат-лигини ҳимоя қилиш — бурчимиз. Худди шунингдек, кунда-қунора синаётган вагон ойналари ҳам халқ мулки. Уларни ҳам авайлаб-асраш керак. Бас, шундай экан, бу борада мутасадди ҳисобланмиш темир йўлдаги ички иш-лар идоралари раҳбарлари жиддий бош қотиришлари ло-зим.

М. МАМАЖОНОВ,
меҳнат фахрийси.

ҲАЙРОНМАН

«Халқ сўзи» рўзномаси-нинг шу йил 14 июлдаги со-нида «Тўйдан олдин ногора» номли мақола чоп этилди. Унда ёзилишича, Фаргона водийсидаги оператив ҳолат-ни таҳлил қилгани ички иш-лар вазирлиги, қўшни вило-ятлар ички ишлар идоралари вакиллари йиғилиб, унга маҳаллий матбуот вакилла-рини ҳам таклиф қилишган экан. Ички ишлар вазири-нинг биринчи ўринбосари Ғ. Раҳимовнинг маърузаси ав-жига чиққанда Андижон ви-лояти ички ишлар бошкар-масининг бошлиғи милиция полковниги Б. Парпиев ми-лиция подполковниги А. Ка-зиевга нимадир дебди ва у ҳам ўз навбатида Аҳмедов-га ишора қилибди. Бу, жур-налистларни чиқариб юбо-ринг, дегани экан.

Хуллас журналистлар йи-гичдан чиқиб кетибдию, ран-жишибди, чоғи. «Андижон-нома»да бизни ИИБда бе-ҳурмат қилишди, маъносида лўқма эълон қилишибди.

Келинг мақоланинг маз-мунини таҳлил қилиб кўрай-лик.

Агар журналистларни ҳур-мат қилмаганларида таклиф ҳам қилинмасди, бу табиий ҳол. Ахир ким суймаган одамнинг бирон жойга так-лиф қилади? Ҳар қандай гап нотўғри тушунилса ёмонга ўхшаб туюлаверади.

Халқимизнинг яхши бир

одати бор: меҳмон олдида ўғлига қаттиқ гапирмайди, чунки бу унга оғир ботиши мумкин.

Ғафур ака ҳам хизмат юзасидан кимнидир тергати, кимгадир қаттиқ гапирши мумкин. У киши шуларни ўйлаб ўзини ноқулай сезган-да. Парпиев бунни сезиб жур-налистлар чиқиб туришини илтимос қилгандир. Бунни ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Қолаверса бизнинг ишимиз-да ҳам оз бўлсада сир бор, агарда бирон бир кунни май-да чайқовчилар учун кура-шамиз, деб белгилашаётган бўлса, бунни матбуотда эълон қилишмайдику ёки бўлмаса бирон бир жиноятчилар гу-руҳи аниқланган бўлса, шу-ни фалон кунни қўлга ола-миз, деб рўзномада чоп этилса, натижа қандай бўли-ши аниқку.

«Халқ сўзи» рўзномаси халқники. Б. Парпиев ва А. Қазиевлар ҳам халқ вакил-лари, қолаверса халқ пос-бонлари. Шундай экан, биз бир-биримизнинг оддий бир илтимосимизни ҳам ёмонга йўйиб, бир-биримиздан ран-жиб юрсак халқимиз олдида қандай бўларкин?

Мен мақолани ўқиб шун-дай тушундим, лекин ного-рани ким чалганга ҳайрон-ман.

Шукрило САИДОВ.

«ОЛЛОҲ НАЗАРИГА ТУШГАНЛАР»

(«МИЛИЦИОНЕР ҲАМ ОДАМ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ)

Синглим Мукаррам! Мақолангизни кўн билан ўқиб чиқдим. Кўпчиликнинг юрагидаги дардини очик, ат-рофлича ёзибсиз. Лекин бир ёқлама фикр юритганингиз менда эътироз туғдирди.

Биласизми, Мукаррам, сиз ўз мақолангизда барча мили-ция ходимларига бир хил «тўн» кийдиргансиз. Бу ал-батта нотўғри. Сабаби, биз-нинг орамизда каттакон са-ройу иморатлар қуриб, яп-янг «Жигули» миниб юрган-лар йўқ дейсизми? Бор. Бор бўлгандай жуда кўп. Ҳа, Му-каррамхон, аччиқ бўлсам ҳам қиқат бу!

Биламан, сизнинг мақола-нгизга билдирган ушбу фикр-ларим рўзномада чиққудек бўлса, албатта менга исботлаб бер, дейдиганлар бўлади. Май-ли, ундайларнинг бўлгани маъқул. Исбот десалар, исбот-лаб беравераманда...

Мукаррам, милиция орасида «Оллоҳ назарига тушганлар» бор. Мен ўшалар ҳақида фикр юритмоқчи эдим. Улар ДАН, ИЖК ходимлари ҳамда тер-говчилар. Мен ҳам 13 йил-дирки, милиционер бўлиб иш-лайман. Лекин мана, 6-7 йил-

дан буён янги иморатимнинг томини бостиролмай, дераза ва эшик-ромларини курдирол-май юрибман. Топганим зўрға бола-чакамга етади. Юқори-даги тилга олиб ўтган «Оллоҳ назарига тушганлар»нинг уйи-га бир бориб кўринг, оғзин-гиз ланг очилиб қолади. Хўш, нега? Қандай қилиб улар ҳа-шаматли саройни, дангиллама дачани, энгил машинани сотиб олишади? Ёки ойлик маоши шунчалик даражада юқорими-кан?

ДАН ходимлари, сизларда билмайману, бизда «шеф» ҳисобланишади. Хизмати уч йилдан ошдими, аввало эски-роқ машина минади. Кейин-роқ эса яп-янг «Об»ни физил-латиб юрганини кўрасиз. Имо-рати ҳам шундай.

ИЖК ходимлари ҳам яшаш-нинг «йўл»ини билишади. Бир сотувчини қўлга туширишди-ми, терисини шилиб, суягини қолдиришади. Лекин унинг ус-тидан жиноий иш қўзғатиш-майди. Кейин яна керак бў-либ қолишадида.

Терговчиларга келсак, улар ҳам пулсиз иш битиришмайди. Жиноятчиларнинг «у ёққа» кетиш-кетмаслиги ўшаларнинг қўлида...

«бир ёқлама» бўлиши табиий ҳол.

Б. Ў. «...каттакон саройу имо-ратлар қуриб, яп-янг «Жигу-ли» миниб юрганлар...»ни ми-сол келтиради ва айни пайтда «Исбот десалар, исботлаб бе-равераманда...» дейди. Лекин, ҳурматли муштарий, мақола-нинг дастлабки сатридан охи-ри нуқтасигача яна бир карра кўз югуртириб чиқинг, бирор-та исбот топилаармикан?

Қуйроқда эса у иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш, давлат автомобил назорати хизмати ходимлари ҳамда тер-говчиларни «Оллоҳ назарига тушганлар» деб аташга жазм этибди. Шу ўринда эътирозга эътироз: ҳаром яшаш учун ИЖК, ДАН ёки терговда иш-лаш шартми? Агар кишининг ҳалқуми тоза бўлмаса, участка инспектори бўлса ҳам, ахлоқ тузатиш муассасаларида иш-ласа ҳам, қўриқлаш бўлимида хизмат қилса ҳам текинхўрлик билан шуғулланиш учун йўл очик. Сездириб қўймаса бўл-гани. ИЖК, ДАН, тергов хо-димларини алоҳида ажратиб, юзларига ғойибдан лой чап-лашдан муроди нима экан Б. Ў. нинг?

Тўғри, ҳамма соҳада бўл-гани каби милицияда ҳам нафс-нинг қўлига айланган, текин танангни яйратади, деган нақл-ни шир қилиб олганлар бор. Бунни биз ҳам, вазиригимиз раҳбарлари ҳам тан олишади. Ва умумий ҳаракатни ана шун-дай шахслардан тозаланиб олишга йўналтирганмиз. Юз фонз қафолат бериб айтман-ки, ҳурматли Б. Ў. «Оллоҳнинг назарига тушганлар» ҳақидаги маълумотларини панадан отиш мақсадида қўйида тошдек сақлаб юрмасдан, вазириликда-ги мутасадди раҳбарларга айт-ганида, ҳеч ким кўкрагидан ғайиб қилмасди. Ёки бу ҳақда ўзининг гумонларини айтиб, тахририятга мактуб йўллаганида, унинг даҳлсизли-гини таъминлаш ниятида ис-мшарифию манзилгоҳини биз ҳам сир тутган бўлардик. Ай-ни пайтда 13 йил ички ишлар-да хизмат қилган софдил ми-лиционер маълумотларига асосланиб, «Оллоҳнинг назари-га тушганлар»ни фоз этардик. Ва охир-оқибатда бундан ҳам-ма бирдек наф топиб, адолат тантана қиларди.

Қарангки, Мукаррам аёл ки-ши бўлсада, ички ишлар соҳа-сидаги ўткир муаммони қўли-дан келганича кўтариб чиққан. Номалум ҳамкасбимиз эса эркак одам бўлатуриб, ўзида

Менинг кескин фикрларим, биламан, кўпчиликка ёқмайди. Лекин мен шунга истардимки, юқоридаги хоҳлаган ДАН хо-димларидан юз нафарини ва оддий милиционерлардан юз нафарини олиб, уларнинг яшаш шароитларини кўриб чиқиш лозим. Ана шунда бу фикримиз аниқ-равшан бўла-ди-қолади. Унинг устига исбот талаб қилган кимсаларга бу «кутилмаган меҳмондорчи-лигимиз» антиқа исбот бўлар-ди...

Синглим Мукаррам, хафа бўлманг, сизнинг фикрингизга эид фикр ёздим. Сиз камба-ғал, яъни виждонан меҳнат қилаётган милиционерларнинг ҳаётини ёзган бўлсангиз, мен фақат пул, ҳа, мўмай пул то-падиганларнинг ҳаётини ёри-тишга ҳаракат қилдим.

Биламан, ҳали бу мақола-нгиз кўп тортишувларга са-баб бўлади. Балки «Пост-да» рўзномаси ташаббуси билан у тоифа ёки бу тоифа милиция ходимларининг ҳаё-тини ўрганиб чиқармиз. Агар шундай бўлганда, жуда зўр иш бўлардида! Хўш, сиз ни-ма дейсиз, азиз муштарий-лар?

Б. Ў.

ҚҲЙНИНГИЗДА ҚАНЧА ТОШ ҚОЛДИ?

бир аёлнинг журъатини топол-маган.

Ҳозир мустақил давлатда яшаймиз. Муваффақиятлари-миз билан бирга мустақил қа-дам ташлаш жараёнидаги кам-чиликларимиз ҳам бисёр. Аммо у ёки бу соҳага баҳо беришда нисбатни эсдан чи-қармаган маъқул. Умуман ми-лицияда нопоклар кўпчиликини ёки виждонлилар — ана шу нуқтан назардан келиб чиқиб фикр юритилса, мақсадга му-вофиқ бўлади.

Андижон вилоятида ички ишлар бўлими бошлиғи лаво-зимда ишлаётган бир кадр-доним бор. Унвони милиция подполковниги. Мен Абдуму-талиб ака Эргашевни назарда тутяпман.

Уша киши Китоб тумани ИИБ бошлиғи лавозимда иш-лаётганларида бир киши би-лан суҳбатларига гувоҳ бўл-ганман. «Битта эчки сотиб олишим керак. Болаларнинг оғзидан оқ узилмайди...» — дегандилар. Роса кулгим кел-гани ўзимча. Милиция бош-лиғи бўлатуриб, сигир туттишга имкони бўлмася!

Бугун Б. Ў. нинг ИЖК, ДАН, тергов ходимларига нисбатан «айтган даъволарини ўқиб ту-риб, ўша воқеа ёдимга тушди. Ахир Абдумуталиб ака ДАН, ИЖК ва терговга ҳам раҳбар эдилар-ку!

Мақолада «ажойиб» таклиф бор: «... юқоридаги хоҳлаган ДАН ходимларидан юз нафа-рини ва оддий милиционер-лардан юз нафарини олиб, уларнинг яшаш шароитларини кўриб чиқиш лозим. Ана шун-да... исбот талаб қилган ким-саларга бу «кутиламан меҳ-мондорчилигимиз» антиқа ис-бот бўларди».

Дастлаб шунга айтиб қўйиш керакки, бахсда ҳолислик ус-тivor бўлиши керак. «Исбот талаб қиладиганлар»ни «ким-са» деб эмас, «киши» деб аташ жоиз эди, шу ҳолича, эса муаллифимизнинг муома-ла, бахс маданиятидан нақадар йироқлиги кўриниб қоляпти. Қолаверса, юзлаб милиционер-лар яшаш шароитини ҳе йўқ, бе йўқ тафтиш қилиш — за-монавий қатағонга ўхшаб кет-масмикан?

Ва энг сўнгги айтадиган га-пимиз — камчиликни кўрганда кўрқмасдан юзга айтиш — мардининг иши, ўзини эҳтиёт қилишни унутмаган ҳолда па-надан тош отиш мутлақо қаҳ-рамонлик эмас, айни пайтда инсонга ярашмайдиган ҳатти-ҳаракат деб биламан.

Раҳмон АЛИ.



ҲИКОЯ

(Боши ўтган сонда).

— Сен дамингни олавер, — деди Соли ака кўнгли бирон нимани сезгандай, — ўзим ташқарига чиқиб келмоқчиман...

Тонг оқараётганда эшик ғийкиллаб очилиб, остонада Шакарбой кўринди. Пинжида бояги сочи қирқилган, мунчодек кўзлари доимо ўйнаб турувчи шим кийган қиз чирмашиб турарди. Раъно туши деб ўйлаб атрофни киприк қоқмай бир-бир кузатиб чиқди. Йўқ, ўнги экан! «Наҳот, наҳотки, шундай йиғит... қандай шарманда!!!»

Шакарбой энди остонадан ўтмоқчи эди, қиз унинг билан ушлаб, бошини бир ёнга солиб эркаланиб турди, ўзига тортиб, бўйнига осилиб олди.

— Гўзалим, фариштам! — шивирлади йиғит титраб-қақшаб, — ёлғизим, ягонам! — Қизнинг узунчоқ юзи қип-қизариб кетган, «бахддан» кўзлари чақнаб кўринарди.

— Бахтим, баҳорим!... Қора кўзим... — У энди ўз ёридек суйиб эркалар, қиз сирли олам кўйида энтикар, кўзларида чарақлаган бахт қоронғи кечани ёритгудек бўларди...

— Жонгинам!... — Аста, овозсиз ўпишадилар.

Раънонинг томоғига ни-

мадир келиб такалди. Ортиқ чидолмади. Жон ҳолатда юзига чойшабни тортиб олди. Шунда пешонасида совуқ томчилар пайдо бўлганини, бутун вужудини титроқ босганини сезди. «Қандай дахшат! Қандай дахшат!» Ўзини ўзи юпатишга ҳаракат қилди. «Менга нима, ўнтаси билан юрмайдими? Менга нима?!»

У бошқа ухломмади. Бир пайт эшик тақиллади:

— Қўқонда тушувчилар бўлса, тайёрлансин! — Раъно бошини кўтариб овоз келган томонга қаради. — Тушувчи ўртоқлар, сочиқ-чойшабларни топириш ёдингиздан чиқмасин...

Раъно индамай девор томонга ўтирилиб олди. Орадан Шакарбойнинг овози келди:

— Мен Қўқонда тушаман, Раънохон, сиз ҳам қола қолинг...

Раъно жавоб бермади. Юраги бирдан қаттиқ тегилаб, вужудида ғазаб, алам алангаланди...

— Қолсангиз, Қўқонни хўп томоша қилдирадими... — у негадир кулди. — Балқонда пишган қовундан сўйиб берардим. Қўқон хўп зўр-да!

Поезд аввал секинлади, кейин силтаниб тўхтади. Шакарбой энгашиб Соли акани туртди:

— Амаки, ҳо амаки! — Соли ака кўзини очмай ўр-

нидан ҳовлиқиб туриб кетди: — Нима, сув босдимми! Қаердамиз?!

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, вагондамиз, — деди Шакарбой аранг кулгидан тўхтаб, остингиздаги сандиқдан сумкани олмоқчидим. Тушаман.

— Вой, шундай демаясанми? — чуқур ҳўрсиниб, кўрагига тугуриб олди Соли ака. — Нақ бўлмаса, ўтакамни ёриб юбораёдингиз-ку! Ўзи кечаси билан поездининг Сирдарёнинг кўпригидан ўтишини пойлаб, ҳеч ухломмадим. Охири ўтиб олганимизни проводникдан билиб, таравадек қотиб қопман... — У пешонаси аралаш бўйидаги терни сочиқ билан артиб аста ўрнидан турди. Шакарбой сандиқдан шахматнуса сумкасини олгач, тагин ўрнига ўтирди.

— Шундоқ қилиб жиян, Қўқонга келдикми?

— Ҳа, амаки, энди бизникида қолинглар, меҳмон бўласизлар. Қовуниимиз ёқмаса анжир сомса қилиб бераман!..

Соли ака унинг ҳазилига лабининг чети билан кулди.

— Ҳа, майли, жиян, кўп яша! — деди миннатдор тикилиб. — Раъно, Раънохон қизим, тур, аканг билан хайрлашмайсанми?.. — Соли ака бу гапни қанчалик самимият, кексаларга хос сокин-

лик билан айтган бўлмасин, бу Раънога ҳақорат қилингандай жаранглаб эшитилди. У қанча тез кескин, жаҳл билан ўтирилган бўлса, кўзлари меҳрибонлик билан порлаб турган Соли акага тушиши билан шунча тез жаҳлидан қайтди. У ёшлигидан ўзидан қатталарнинг гапини икки қилиб ўрганмаган эди.

Раъно жойида бир оз талмовсираб турди-да, даст туриб купедан чиқиб кетди. Соли ака Шакарбойга «уялди» деган маънода кулиб қўйди.

Эшикка етганда Шакарбой Раънонинг олдига ўтди.

— Келинг, ёрдамлашай, — деди у зинадан пастга тушиб, — қўлингизни беринг!

Раъно ер остидан сулоқлик қилиб жимлайиб турган Шакарбойга ўқрайиб қараб олди-да, қўлини орқасига яшириб, боши билан «Йўқ» ишорасини қилди.

— Нега уяляпсиз? — Шакарбойнинг кўзлари совуқ ялттираб кетди.

— Тезроқ тушсанг-чи, қизим. — Раъно чаққон ўтирилиб, қаршисида бир мўсафид қоп орқалаб турганини кўрди.

— Кечиринг, — деди Раъно қийналиб.

— Юринг, музқаймоқ олиб бераман, — деди Шакарбой Раънонинг пастга тушганидан қувониб, — маза қилиб кетасиз. Бунақасини емабсиз — дунёга келмабсиз!

Шакарбойнинг ўринсиз жимлайиши, қайсарлиги Раънонинг гапини келтирди. «Мунча сурбет, шилқим бўлмаса?!»

— Поезд кетиб қолади, — деди у кескин, қатъият билан.

— Кетмайди. Ҳали бешолти минут туради.

Раъно бултур опаси билан ўқийдиган бир қизнинг тўйида Қўқонда бўлган, ўшанда ўлкашунослик музейи — Худойёрхон ўрдаси ва хиёбонларни кезиб чиққан, шаҳар унга ёқиб қолган, айниқса, вокзалнинг олд томонидаги кенг майдонда вулқондек отилиб турган фавворанинг ранго-ранг камалакдек товланишини завқ билан томоша қилган эди. Ҳозир ҳам унинг негадир шу фавворани кўргиси, тонг камалагига термилгиси кел-

ди-ю, индамай ҳалқобларни ёнлаб тор зина томон юрди. У энди фавворанинг муздек шамоли, этни жүнжиктирувчи шудрингдек томчиларини, атрофида чулдирашиб оппоқ кабутарларга дон, увоқларни улашиб юрган болакайларни ўйлаб хаёлан жимаярди.

— Қиладиган иши бўлмаса, каллаи-саҳарлаб оёқ остида уймалашиб нима қиларкин! Тор жойда томоша бормикин?

Шакарбой шилимшиқ нарса еб қўйган одамдек жирканиб тупурди.

Кейин Раънога ўтирилди. Раъно ўзидан икки-уч зина тепада ҳайкалдек қотиб турар, кўзларидан ўт ёғилар, аммо бу ўт ғазабми, бошқами, билиб бўлмасди.

— Юрмайсизми? — Шакарбой судралиб келиб Раънонинг билангидан ушлади. — Юринг!...

— Қочинг! — Раъно жиркангандек унинг қўлини силтаб ташлади. — Тегма, қоч! — У ғазабини ичига ютиб, орқага тисарилди. — Қоч, қоч! Тегма!..

Раъно титраб-қақшаб аввал сал нарида ҳассасини дўқиллатиб эҳтиёткорлик билан тор зинадан тушиб бораётган пиджакли кишига, кейин бир дунё ишни дўндириб қўйгандек мағрур қад кериб турган Шакарбойнинг ҳайрат тўла кўзларига, қирра бурни, чўзиқ юзига нафрат, интиқом билан қараб олди-да, сўнг бурилиб пердон томон чопиб кетди.

У баланд пошнали туфлисини дўқиллатиб, орқа-олдига қарамай, кўлмак сувларни сачратиб ўқдек учиб борар, юраги гурс-гурс урар, юзи, пешонаси теглаб кетган, тез чопганидан ўпкаси қисиб, тинмай ҳаллосларди. Вагонга етганидагина ўзини босиб олди.

...Бир неча дақиқадан кейин поезд шудринг томчилари куёш нурида марвариддай жиллоланиб ётган кенг ва бепоян гул денгизига шўғиб кетди.

Раъно бу пайтда дераза ёнида ўйчан ўтирар, хаёлидан Шакарбойни бутунлай чиқариб юборган, энди у бугун оқшомда онаси, дадаси ва ҳамқишлоқлари билан бўладиган учрашувларни ўйлаб, эртанги кун ташвиши билан яшарди.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Ғайбунисо билан Хилватий кўча муволишидаги кўк эшикни тақиллатишди. Ғайбунисонинг қўлида бир даста гул, Хилватийнинг қўлида эса катта қорғоқ кўти. Ичкаридан Манзура холанинг «Кийи у?» деган овози эшитилди. Салдан сўнг иккилаб-сиккиллаб остонада ўзи пайдо бўлади.

ҒАЙБУНИСО: — Ассалому алайкум, холажон!
ХИЛВАТИЙ: — Ассалому алайкум, холажон, муборак 80 ёшингиз қутлуг бўлсин!

ҒАЙБУНИСО: — Чин кўнгилдан табриклаймиз.
КАМПИР: — Раҳмат. Аммо сизларни танимайроқ турибман.

ХИЛВАТИЙ: — Узумини енгү боғини суриштирманг, холажон!
ҒАЙБУНИСО: — Ие, нега унақа дейсиз, биз жуда ишончли одамлармиз, кампир.

ХИЛВАТИЙ: — Биз ўғлингизнинг қўл остидаги хизматчилар бўламиз.

ҒАЙБУНИСО: — Бугун эрталаб мажлисдан сўнг оймлар 80 ёшга кирдилар, деб қолдилар. «Ундай бўлса, яхши бир совға билан йўқлаш керак», дедим. Гапим маъқул келди. Ишхонамизнинг ёнидаги магазинга видеоаппаратура, яъни видео кўрсатадиган телевизор келган экан. Магазинчи ўртоқларидан ўша телевизордан биттасини олиб биздан бериб юбордилар.

ХИЛВАТИЙ: — (Катта қорғоздан ўқийди).
Оналар бир олам қўшиқхонадир. Она номини ўйласанг, дил ёнадир. Онадур бу, онадур бу, онадир...
ҒАЙБУНИСО: — Майли, гапни қисқароқ қилинг, ишдан қолмайлик.

ХИЛВАТИЙ: — Хуллас, холажон, мана шу совға сизга! (Кутини қўяди. Кампир очмоқчи бўлади).



(Интермедия)

ХИЛВАТИЙ: — Ие, не, тегманг, тегманг, боғични еча кўрманг. Биз кетганимиздан кейин, ёки ўғлингиз келганларида очасиз.

ҒАЙБУНИСО: — Сабринг таги олтин, деган эканлар. «Зумрад ва Қиммат? эртагини ўқиганмисиз, хола? Кампир Қимматга сандиқ бериб: «Уйингга борганда оч, йўл-пўлда оча кўрма» — деса, ярим йўлда очиб қараса, ичиди кулча бўлиб катта илон ётган бўлади. Ана, шошилганини оқибати хола.

ХИЛВАТИЙ: — (кулади) Қўрқманг, ҳазиллашяпти, хола. Энди ҳисоб-китоб қилсак, ўғлингиз: бу кутини обориб оймга бериб, яширлаб қўйган пулимдан 8 минг сўмини магазинга олиб келиб топиришлар — деб юбордилар.

ҒАЙБУНИСО: — Энди, хола, бу сизга жуда ях-

ши арзийдиган совға бўлади. У дунё дейсизми, бу дунё дейсизми, қатто Америкагаям бир ўтиришда бориб келаверасиз. Шунақанги киноларни кўрсатади-ки...

КАМПИР: — Вой, барака топгур-е, яхши нарса экан. Энди ўғлим менга бериб қўйган пули яхлит 10 минг сўм эди. Уни қандай майдалатаман?

ХИЛВАТИЙ: — Мана, 2 минг сўм қайтимини берамиз, холажон. Менда 1000 сўм экан. Сен ҳам 1000 сўм бер-чи!

ҒАЙБУНИСО: — Мана, мана. (Кампирга бир даста пул берадилар).

КАМПИР: — Қани, бисмиллоҳу раҳмону раҳим (у ўрнидан туриб ичкари хонага ўтиб, эшикни маҳкамлаб олади).

ХИЛВАТИЙ: — (Ўзича хурсанд). Чаққон, чаққон қимирланг, кампир.

(Бир пайт эшик тепасидан чип этиб похол тўла қути тушади. Иккаласи югуриб боради).

ҒАЙБУНИСО: — Ие, бу — ўзимизнинг похол-ку! (Улар ичкарига қирай дейишса, эшик қулф. Кўча эшик томонга югуришганди, кимнингдир оёқ товуши эшитилди).

ХИЛВАТИЙ: — Кимдир келаяпти, қоч! (Яширинишади. Миллиция кийимидagi кампирнинг ўғли ҳовлига қиради).

ХИЛВАТИЙ: — Бизга нотўғри маълумот беришибди-да, ўғли миллицияда яшлар экан-ку!

ҒАЙБУНИСО: — Уям, майли, кампир похолни ўзимизнинг олдимизга солганига чидолмайман...

ҒАЙБУНИСО: — Воҳ... содда, йўғе, муғомбир кампир-ей! Бизни лақиллатиб, икки минг сўмга тушириганини айтмайсанми?

ХИЛВАТИЙ: — (Ўзича дўнгиллайди) — Содда-муғомбир кампир... кўрмагур-ей!

АССАЛОМ, ПРОФЕССОР ЖО!

ШУ КУНЛАРДА Тошкент 1-тиббӣ институтининг клиникасининг хўжалик ҳисобидаги тадрижий шифохонасига таширф буюрсангиз, у ерда ҳар қачонгига қараганда даво изловчиларнинг анча кўпайиб қолганлигини сезишнинг табиий. Чунки Хитой Халқ Жумҳурияти Хэйлунцзян вилоятининг Харбин шаҳридан келган шифокор-профессор Жо Си Ган бошлиқ бир гуруҳ докторлар айни мана шу ерда муолажа ишларини олиб бормоқдалар.

— Мен билан бирга, — дейди доктор Жо Си Ган, — ҳамкасбларим Лю Юн Сян, Тянь Си Жи, Се Ди Жинь, Лан Си Ганлар ҳам ўзбекистонлик дўстларимизга ёрдам бериш ва бу ердаги хасталар жонига оро кириш учун Тошкентга келишган. ...Худди шундай. Хитойлик шифокорлар кўрсатаётган кўмакдан клиника жа-

моаси ҳам, дардига даво излаб келаётган кишилар ҳам мамнун бўлмоқдалар. Хитойлик шифокорлар амалиётининг диққатга сазовор томони шундаки, улар ноанъанавий йўллар билан даволаш услубларини кенг қўлламоқдалар. Ниналар санчиш билан ҳамда уқалаш муолажалари хасталарга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозиргача, яъни шу йилнинг 10 апрелидан буён ўтган вақт ичида хитойлик дўстларимиз 4 минг нафар кишини қабул қилдилар. Нафас қисиш, нафас йўллари шомоллаш, бел оғриғи, туз йиғилиши, ошқозон-ичак хасталиклари, қон томирлари кенгайиши, асаб касалликлари, шунингдек, кўпчиликни ташвишга солаётган шоллик ва пешоб ушламаслик сингари дардга йўлиққан кишилар бу ерда шифо топмоқдалар.

— Мен ўн етти ёшимда

ошқозон касаллигига дучор бўлган эдим, — дейди пойтахтнинг 2/1-Қорақамиш мавзесидаги 43-уй, 6-хонадонда яшовчи А. П. Андреева, — ҳозир олтмишга яқинлашиб қолдим. Узоқ йиллар азоб чекдим. Ниҳоят, яқиндагина профессор Жо муолажаси туфайли бутунлай соғайдим.

...Профессор Жо одамларни доволашдан бўш вақтларини бекор ўтказаятгани йўқ. У қисқа вақт ичида табиий гиёҳлар тавсифи ва дориворлигига бағишланган китобини ёзиб тугатди. Нашр этиш насиб бўлса, у мазкур китобни Ўзбекистон аҳлига совға қилиб қолдирмоқчи. Ҳар кун табиб Жо олдида келувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Улар «Ассалом, профессор Жо!» деб киришлари билан соғайиш умиди қалбларини чулғаб олмоқда. Ўз навбатида Жо Си Ган: «Менинг ёрдамимга муҳтож ҳар бир кишига жоним билан мададкор бўлишга тайёрман», — дейди.

Х. УМАРОВ.

ҚАНОТИНГИЗ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Зарбдор райони ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция майори Ўролбой Наҳанбоевнинг хонадонини ҳамкасблари ва ёрбироқлари билан гавжум бўлди. Дастурхон атрофида ўтирганлар уй эгасини қирқ бир ёшга тўлгани ҳамда Тошкент давлат ҳуқуқшунослик олий билимгоҳини имтиёзли диплом билан тугаллагани билан қизғин муборакбод этардилар.

Айниқса бугунги долғали кунларда ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаб, бу қадар обрў-эътиборга мушарраф бўлиш осон эмас. Энг аввало танлаган касбга битмас-туганмас меҳр, садоқат, билим ва тажриба керак. Ваҳоланки, Ўролбой акада ана шу фазилатлар мужассам.

...Зарбдор — Жиззах йўналиши бўйича ҳаракат қилаётган автобусга номаълум шахс қўшогиз милтиқ кўтариб чиқди. Кейин бошқаларни назар-писанд қилмай ҳайдовчига ўзига қўлай чорраҳада машинани тўхтатишни буюрди. Ҳайдовчи мулоимлик билан бу мумкин эмаслигини, фақат бекалда тўхтатишга ҳақли эканлигини тушунтирмоқчи бўлди. Бундан ғазабланган қўролли зўравон шу ернинг ўзида милтиққа бир жуфт ўқни



жойлади ва ҳайдовчига қаратди. Имкон борида ҳамма тум-тарақай қочиб қолди.

Иложсиз қолган кимса автобусдан тушиб, қаршидан келаётган машинага милтиқни тўғрилади. Бу машина ҳайдовчиси ҳам эпчил ва чапдаст экан, рулни бошқа томонга буриб, тезликни оширди ва ҳаял ўтмай кўздан ғойиб бўлди.

Тобора қутуриб бораётган кимса энди Отамурод Орипов бошқарувидаги 47-71 ДДЛ рақамли «ЗИЛ-130» юк машинасини тўхтатишга муваффақ бўлди. Кабинадаги икки нафар йўловчини тушириб юборди ва ҳайдовчи-

нинг ёнига ўрнашиб ўтириб олгач, буюрди.

— Ҳайда! Фақат мен айтган томонга юрасан, йўқсал..

Машина силкина-силкина Жиззах-Ровот тупроқ йўли бўйлаб кетди. Ровот қишлоғига боргач эса зўравон машинадан тушиб қолди ва яширинди.

— Ўшанда вазият ниҳоятда қалтис эди, — дейди жиноятчини қўлга олишда қатнашганлар бир-бирларига. — Яхши ҳамки Ўролбой ака ёнимизда эдилар. Энг таҳликали дамларда ҳам саросимага тушмай раҳбарлик қилдилар.

Бу гаплар хушомад эмас, тадбиркорликка берилган баҳо эди. Аммо барибир Ўролбой ака хиёл ноқулай аҳволга тушдилар:

— Бир оз ошириб юбордиларингиз. Ўша пайтда агар сизлар ёнимда ҳамкор-ҳамнафас бўлмаганларингизда, эҳтимол ғалабани қўлга киритолмаган бўлардик.

Бу фикрда ҳам жон бор. Зеро дастурхон атрофида ўтирган ва хизмат важидан бугунги зиёфатга кела олмаган дўстларини шоғирдларини у кишининг қанотлари дейиш мумкин.

Холиқул ҚАЙНАРОВ,
милиция старшинаси.



ҚУТЛАЙМИЗ

Кўзимизнинг оқу қораси
Маликаҳон!

Шу йил 19 август кунини беш ёшга тўласан. Бу ҳаммамиз учун гоёт қувончлидир. Туғилган кунинг муборак бўлсин! Сенга сиҳат-саломатлик, бахтли ва боқий умр тилаймиз. Маъсума кулгинг билан доимо бағримизни тўлдириб юргин, қизим!

Даданг Қобилжон, онанг Ёкутой, акаларинг Собиржон ва Зоҳиджон ШОРАҲМЕДОВлар.
Тошкент вилояти, Қибрай райони.

Китобни нашр қилишга ёрдам беринг

Газетангизнинг 29 июль сониди эълон қилинган «Қириққарли асар нашрга муҳтож» сарлавҳали мақолани самимий миннатдорчилик туйғуси билан ўқиб чиқдим. Муаллиф сифатида таҳририятнинг асаримга қилаётган ғамхўрлигидан гоёт таъсирландим.

Менинг деярли бутун умрим Давлат хавфсизлиги халқ комиссариати ва Ички ишлар вазирлиги идораларида ўтди: ишни давлат хавфсизлиги сержанти бўлиб бошладим, заҳирага милиция полковниги унвони билан чиқдим. Хизмат йилларим даврида оператив вакил, оператив хизмат бўлимларининг бошлиғи бўлдим. Ҳар бир кишининг ҳаёти ўзи яшаган ва яшаётган давр хусусиятлари таъсири остида ўтади. Биз, кекса авлод яшаган давримиз ўзимиз билан бирга йўқ бўлиб кетишини истамас эдик. Ўша вақтлар хотираси сақланиб қолиши ва ёшлар уни билишлари керак. Зеро мамлакат, одамлар, фикрлаш тарзи кўз ўнгимизда ўзгариб борди. Биз оғир пайтда яшадик, сафдошларимиз орасида порлоқ келажак йўлида ватанимизнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш борасида жонларини тикишга тайёр кишилар бор эди ва уларнинг кўплари жонларини фидо қилдилар ҳам. Уларни тарих саҳифаларидан ўчириб ташлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мен адиб эмасман. Бу

асар, энг аввало яшаб меҳнат қилган давр ҳақида ўзимнинг ва тирик гувоҳларнинг хотираларидир. Республика Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, шаҳар ва районлар ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг кўпчилиги кўз ўнгимда ўсдилар, улғайдилар, кучга тўлдилар. Улар орасида Т. Тўхтаев, Ғ. Тошматов, Х. Комилов, Т. Жалилов ва яна кўплаб бошқа кишилар борки, уларнинг ҳаммасини номма-ном келтиришнинг иложи йўқ.

Қисса ички ишлар идораларидаги ўз фаолиятим таҳлили асосида яратилган бўлиб, жиноятчиликка қарши кураш усулларига ҳам кенг ўрин берилган. Асосий эътиборни профилактика ишига қаратишга интилдим. Бу китоб Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий ва ўрта махсус билим юртлари талабалари учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмаса керак деб ўйлайман.

Газета орқали ИИВ раҳбариятига китобимни нашр қилишга ёрдам берилишини, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашини сўраб мурожаат қиламан. «Отишмаларсиз жанглар» номли қиссам ички ишлар идораларининг ёш ходимларига етиб боришини жуда истар эдим.

А. ГУЛЬЯНЦ,
заҳирадаги милиция полковниги, уруш, меҳнат ва ички ишлар идоралари фахрийси.

«ТАНДИРДАН ЧИҚҚАН» ЯНГИ МАҚОЛЛАР

ёки кимлар учундир
аллақачонлар ҳаёт мазмунига
айланган мақоллар

Дуо олма, олтин ол, олтин дуо эмасми.
Саботли бўлма, салобатли бўл.

Дўппи омон бўлса, бош топилади.

Этагинг (бойлитинг) борида эсингни ёп.

Бугдой сўзинг бўлмаса ҳам бугдой нонинг бўлсин.

Халққа хиёнат қилдинг — ўзингга иноят қилдинг.

Сабр тағи ўпқон.

Карашмали хотин — ярим ўйнаш.

Мен билганини пари билмас.

Ҳусн тўйда керак, муҳаббат — тунда.

Тўловчи Э. САТТОРОВ.



Болагинам, қиқирлайсан, қоқиндик,

Уйга сизмай кулгинг дарчадан ошар,

Баҳор суви янглиғ қирғоқдан ошар,

Бегубор кулгингта онанг тасаддуқ.

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТ.

СПОРТ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Шаҳрисабз шаҳридаги «Ҳисор» ўйингоҳида спортнинг миллий кураш тури бўйича халқаро мусобақа якунланди. Беллашувлар полвонларнинг ёши ҳамда вазн тоифаларига қараб ташкил этилди. 35 ёшгача бўлган курашчилар беллашувида шаҳрисабзлик Тўра Облоқулов (66 килограмм) ўз вазн тоифаси бўйича ғолиб чиқди. 75 килограммлик баҳсда грузиялик меҳмон Динза Музашвили ҳам ғолиблик супасига кўтарилди.

Қашқадарёлик Баҳром Асадов, бухоролик Шўҳрат Хўжаев, сурхондарёлик Рустам Эргашевлар ўз вазн тоифалари бўйича ғолиб чиқиди.

Мусобақа қондасига кўра 66 килограммдан ортиқ вазндаги полвонлар танловдан ташқари куч синашдилар. Унда Тўра Абдуллақулов халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Мусобақанинг мутлақ ғолибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини топириш кўзда тутилган эди. Бу сов-

рин учун кескин курашлар остида ўтган беллашувда сурхондарёлик Рустам Эргашев, шаҳрисабзлик Абдуқодир Пирматов майдонга тушибди. Бу, айниқса, муҳлисларда қизиқиш уйғотди. Ниҳоят чапдастлик билан курашган Абдуқодир Пирматовнинг қўли баламд келди.

Шунингдек, биринчи ўринни олган полвонларга 5 минг сўм, иккинчи, учинчи ўринни олган полвонларга 3 ва 2 минг сўмдан пул мукофотлари тантанали равишда берилди.

Бу тадбирга хайр-эхсон йўлида Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлиmlарлари жами 7 минг 400 сўм маблағ ўтказибди.

Янабоғ раф андаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги ҳам мусобақага битта ҳўкиз совға қилди. Бу совға мутлақ ғолиблик учун курашган ва 2-ўринини олган Рустам Эргашевга насиб этди.

Ҳ. ҲРОЗОВ.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, осойишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқи-моқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?


МАРҲАМАТ

„Постда“
„На посту“

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.

Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси—
312 сўм. . Индекслари—64615 ва 64616.

БОШҚОТИРМА



ЭНИГА: 7. Қуруқда ҳам, сувда ҳам яшовчи ҳайвон. 8. Европанинг жанубий-ғарбидаги давлат. 10. Марказий Африкадаги давлат. 11. Бирлашган Араб Амирликларидаги шаҳар ва порт. 15. Сейшал Ороллари давлатининг пойтахти. 16. Канада жанубидаги шаҳар. 20. Франциянинг жанубидаги шаҳар. 22. Франциядаги Нор департаментининг маъмурий маркази. 23. Шимолий Ҳиндистондаги шаҳар. 27. Украинанинг Ивано-Франковск вилоятидаги шаҳар. 32. Ҳозирги Хитой шимолий-шарқий қисмининг тарихий номи. 33. Ғарбий Европадаги давлат. 35. 1935-44 йилларда адмирал Ф. В. Канарис бошқарган ҳарбий разведка органи. 36. Ёқутистондаги дарё. Лениннинг ўнг ирмоғи. 39. Шри-Ланканинг пойтахти. 40. Венесуэла пул бирлиги.

БҮЙИГА: 1. Ҳозирги Англия, Шотландия ва Уэльс ҳудудининг қадимги нормаларидан бири. 2. Осиё жанубидаги тарихий вилоят. 3. Иккита материкдан иборат қитъа. 6. Перудаги шаҳар. 12. Шарқий Осиёдаги давлат. 13. Болгариядаги шаҳар. 14. Собиқ СССР Европа қисмининг шимолий-ғарбидаги дарё. 17. Ҳиндистоннинг Мадхья-Прадеш штатидаги шаҳар. 18. Жанубий Америкадаги давлат. 24. Спорт ва циркда қўлланиладиган сакратувчи қўрилма. 25. Россиядаги шаҳар, вилоят маркази. 26. Азов денгизининг ғарбий қирғоқлари ёнидаги қўлтиқлар системаси номи. 28. Донецк вилоятидаги шаҳар. 29. Жанубий Африкадаги давлат.

30. Буюк Британиядаги шаҳар. 31. Судда айбланувчи-ни ҳимоя қилувчи шахс.

АЙЛАНА БҮЙЛАБ: 4. Санкт-Петербург вилоятидаги шаҳар. 5. Жанубий Европанинг Ўртаер денгизи соҳилидаги давлат. 9. Франциянинг шимолий-ғарбидаги тарихий вилоят. 19. Коми (АССР) Республикаси пойтахти. 21. АҚШнинг жанубий-шарқидаги штат. 38. Фаластиндаги Қуддус шаҳрининг қадимги яҳудий тилида айтиладиган номи.

Тузувчи:
Иўлдош
НАСРИДДИНОВ,
милиция подполковниги.

Қалам ҳақини «Постда» рўзномаси жамғармасига ўтказишингизни сўрайман.

5 август сонида берилган бошқотирманинг

ЖАВОБЛАРИ:

1. Гоби 2. Блок 3. Ойна 4. Ноиб 5. Идил 6. Ироқ 7. Одоб 8. Олот 9. Овул 10. Урал 11. Лада 12. Доро 13. Рейн 14. Йена 15. Наво 16. Вахш 17. Хива 18. Вона 19. Нажд 20. Дафн 21. Форид 22. Ринг 23. Нант 24. Нура 25. Русе 26. Сува 27. Внла 28. Лаҳм 29. Миср 30. Саба 31. Бўри 32. Решт 33. Шамс 34. Мари 35. Рақс 36. Қрим 37. Ақча 38. Чита 39. Тула 40. Лира 41. Рица 42. Цирк 43. Кипр 44. Панж 45. Нато 46. Турк 47. Рига 48. Азов 49. Орол 50. Одер 51. Елец 52. Ейск 53. Кито 54. Троя 55. Орск 56. Соат 57. Ажал 58. Анор 59. Рожа 60. Асал.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бўша райони ички ишлар бўлими бошлиғи Эргаш Абдумаликовга онаси **БАШОРАТ АБДУМАЛИКОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг «Лабзак» меҳмонхонаси маъмурияти катта кассир Қамсария Шағиевна **ЎҚУБОВА**нинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур қайғуриб, марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чин дилдан ҳамдардлик билдиради.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир —
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.